

ИЖТИХОД ВА ЯНГИЛАНИШ

IJTIHAD
and
RENEWAL

Said Shabbar

(ПИТ) «Китобларининг кисқача сериялари»

ИЖТИХОД ВА ЯНГИЛАНИШ

Саид Шаббар



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2022

УДК 297
ББК 86. 38-6
С 14

Китоб ҳомийси:
Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
Херндон Виржиния АҚШ
Билимлар интеграцияси институти (IKI)
Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Сайд Шаббар
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбоева Рахат: – Б.: 2022
Китоб мухаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳукуки билан химояланган. Нашриётнинг ёзма руҳсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва коидалардан ташкари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини акс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига кафолат бермайди. «Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №86**

Ижтиход ва янгиланиш (Uzbek)
Сайд Шаббар
ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
1444 AH / 2022 CE
Paperback ISBN 978-9967-08-954-9

Ijtihad and Renewal (Uzbek)
Said Shabbar
ИИТ «Books-In-Brief Series»

The International Institute of Islamic Thought (ИИТ)
1439 AH / 2018 CE
Paperback ISBN 978-1-56564-981-1
ИИТ
P.O. Box 669
Herndon, VA 20172, USA
www.iiit.org

Барча ҳукуклар химояланган
ISBN 978-9967-08-954-9

УДК 297
ББК 86. 38-6

Халқаро ислом тафаккури институтининг (ХИТИ) китобларининг қисқача сериялари

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўплами-дир. Қисқа, ўқиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар катта хажмдаги нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиласизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундейди.

Сайд Шаббар ўзининг “Ижтиҳод ва янгиланиш” китобида ижтиҳоднинг замонавий мусулмон дунёсини ижобий жонлантириш ёки ислоҳ қилишдаги асосий ролини таҳлил қилишга уринади. Исломнинг дастлабки асрларида олимлар Қуръон ва суннатга асосланган ўз ақл-заковати ва мустақил мулоҳазаларига таяндилар, бироқ бир неча асрлардан сўнг уламолар умумий тамойилларни ишлаб чиқканларидан сўнг ижтиҳод эшиклари ёпилди. Зиёлилар, ислоҳотчилар, илоҳиётчилар, либераллар, социалистлар, ҳаттоқи секуляристлар ҳам ўз қарашлари орқали таназзулга қарши ҳаракатни тўхтатишга уриндилар, аммо бу уринишлар муваффақиятсиз тугади. Бугунги кунда мусулмонлар жамоасининг ҳолати турли хил ва ҳатто ўзаро фарқли позицияларнинг барча хилма-хиллигини ҳисобга олишга имкон бермайди. Мусулмон цивилизацияси ва маданиятининг равнақ топиш даврида барча зиддиятлар ҳал этилган эди, бу эса Исломнинг куч-қудрати, бирлиги ва мустақиллигининг мустаҳкамланишига олиб келди. Бугунги кунимиздаги вазият энг

долзарб масалаларга умумий эътиборимизни қаратишни талаб эта-ди ва улар пухта белгиланган вазифа доирасида босқичма-босқич ҳал этилиши зарур.

Шаббар таълимотлари энг кўп тақлид қилинган одамлар, яъни Ислом ҳуқуқшунослигининг турли мактаблари асосчилари, тақлидни қоралаш ва тақиқлашда, шунингдек, ижтиходни ўрганиш ва тасдиқловчи далилларни топишнинг аҳамияти ҳақида қанчалик киноя билан гапирганини кўрсатади. Шаббар мужтаҳид, яъни ижтиходда иштирок этиш учун малакали ҳисобланган шахс томонидан бажа-рилиши лозим бўлган талабларга эътибор қаратади. У Исломдаги фикрий янгиланиш мавжуд тушунчаларни бекор қилмайди ва янги тафаккур тизимини ўрнатмайди, деб таъкидлайди. Аксинча, у мавжуд бўлган ғояларни бизнинг замонамизда мавжуд бўлган эҳтиёжларга мувофиқ ва тегишли қоидалар, методикалар ва тан олинган барқарорликлар асосида қайта қашф этиш ва ривожлантиришни ўз ичига олади. Шундай қилиб, у Исломий ҳуқуқий меъёрларни ҳақиқий ҳаётий вазиятларга татбиқ этишга тўғри ёндашиш, фикрлаш ва ҳаракат қилиш учун амалийлик, меъёр ва ишончли иймон пойдеворни тиклайди, деб таъкидлайди. Бу элементларнинг барча-си ҳаётий аҳамиятга эга, чунки уларнинг ҳеч бири ёлғиз Ислом қонунининг тўғри қўлланилишини таъминлай олмайди. Шаббарнинг таъкидлашича, уларнинг барчаси ҳозир бўлганидан ва биргаликда ҳаракат қилганидан сўнг, биз замонавий Исломий фикрни ташкил этувчи занжирнинг бўғинларини бирлаштирамиз.

Сайд Шаббар тамонидан асл нусханинг қисқартирилган нашри

ИЖТИҲОД ВА ЯНГИЛАНИШ

ISBN hbk: 978-1-56564-976-7

ISBN pbk: 978-1-56564-975-0

2017

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЗАМОНАВИЙ ИСЛОМ ТАФАККУРИДА ИЖТИҲОДНИНГ ЯНГИЛANIШИ ВА
ҲАРАКАТИ: АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

БИРИНЧИ БОБ

**“Ижтиҳод” тушунчасининг маъноси ва унинг
ар-Ра’й (al-Ra’у) фикри билан алоқаси тўғрисида.**

**Ижтиҳод тушунчанинг келиб чиқиши ва унинг Ислом ҳуқуқи
мазмунида ҳамда махсус атама сифатида ишлатилиши**

“Жаҳада” (*Jahada*) ёки “жсаҳуда” (*jahuda*) деб талаффуз қилинган учта ундош j-h-d илдизи қўлланиладиган кучнинг ҳаракатини билдиради. Кўпгина лексиконлар, шу жумладан, Лисан ал-Араб (*Lisan al-Arab*), “жсаҳада” ва “жсаҳуда” сўзларни ажратиб туради, “жсаҳада” шунчаки куч сарфини назарда тутади, “жсаҳуда” эса худди шу жараённи назарда тутади, аммо қўшимча қийинчилик ва мурракаблик билан. J-h-d илдизидан келиб чиқкан умумий сўзлар оғзаки исмлар “жиҳод” (*jihad*) ва “мужсоҳада” (*mujahadah*) бўлиб, “нутқда ёки ҳаракатда ўта кескинлик ва зўриқиши жараёни” деган маънони англатган, шунингдек, ижтиҳод билан бир хил маънога эга бўлган “мажҳуд” (*majhud*) ва “тажсаҳуд” (*tajahud*) исмлариdir. Қуролли можарога киришиш, бойлик билан муомала қилиш ёки ҳақиқат хабарини қабул қилишга чақирадиган воизлик қилишидан қаътий назар j-h-d илдизи Қуръонда жсаҳада (*jahadak, tujohidun*) ва жиҳоддан ҳосил бўлган кўплаб сўзларда учрайди.

Ижтиҳод атамасининг ўзи Қуръоннинг бирон бир жойида топилмаган. Бироқ, бу тушунчанинг маъноси унинг матни давомида бир неча марта ишлатилади. Ҳадис матнларига келадиган бўлсақ, ижтиҳоддинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатларига ишора қиласидилар. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биринчи илохий ваҳийлари юборилган воқеалар тўғрисида гаплашар экан-

миз, унинг сўзларини етказган Ойшанинг гувоҳлигини эсга олишимиш мумкин: “Шунда у (Жибрил) мени маҳкам қучоқлаб олди, ҳатто мени қийнаб юборди”.

Ислом ҳуқуқининг етакчи мактаблари ташкил этилиб, мусулмон ҳуқуки тамойиллари (*усул ал-Фиқҳ*) аниқ белгилангач, ижтиход дунёвий ҳаётни тартибга солиш ва стандартлаштиришга қаратилган бўлди. Ушбу босқичда олимлар томонидан *усул ал-фиқҳ* таърифлари ўртасидаги фарқларнинг аксарияти уларнинг *мужтаҳид* (ижтиходда иштирок этувчи шахс) билан боғлиқ бўлган шартлари, кўриб чиқилаётган масалалар ва/ёки тегишли қарорларнинг турлари – ҳуқукий, диний, амалий, оқилона ва бошқалар билан боғлиқ эди. Ибн Ҳазм ўзининг “*ал-Аҳкам*” номли ҳуқукий асарида шундай ёзган: “Ислом ҳуқуки нуқтаи назаридан ижтиход атамаси аниқ далилларга асосланиб қарорга келишга уринишни англатади”. Имом ал-Ғазолий (505/ 1111-й. вафот этган) “Олимлар ижтиход атамасидан фойдаланиш зарурати хусусида Ислом қонунларига асосланган ахлоқий ўзини ўзи такомиллаштириш ҳаракатларини назарда тутган ҳолда пайдо бўлганлигини” деб таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳуқукий ечимларни ишлаб чиқиш *мужтаҳид* вазифасининг бир қисми бўлишининг зарурий шарти йиллар давомида ривожланиб келган ва ижтиходни бошқа ҳуқукий фаолият турлари орасида ажратиб кўрсатган ижтиходнинг маҳсус таърифининг асосий жиҳатига айланди.

Натижада ижтиход икки мезон бўйича тавсифланади: биринчидан, назария ва таъриф масалалари, иккинчидан, тўғри ёки тўғри эмаслиги нуқтаи назаридан. Иккинчи мезон нафақат ҳуқукий муаммолар билан, балки диний билимларнинг барча масалаларида биринчиси билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, илоҳиёт соҳаларининг ҳар бири, мусулмон ҳуқуки тамойиллари ва ҳуқукий муаммолар ўзига хос тадқикот усули, хulosалар ва далиллардан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Қийинчилик мусулмон жамоасининг бошқа цивилизацияларда кўрилган ақлий ва рационал ривожланиш билан ҳамқадам бўла ол-

маслигидадир. Шундай қилиб, Ислом хуқуқшунослиги турғунлик ва таназзул даврини бошдан кечирганида, мусулмон жамиятида ақлнинг ўрни жиддий равишда издан чикарилди, ижтиход ўтмишга тушиб кетди ва мусулмон жамоати илгари баҳраманд бўлган етакчи жаҳон цивилизацияси мавқеидан воз кечишни бошлади. Илгари шуҳрат ва тараққиётни қайтариш учун мусулмонлар жамоати ҳаётнинг ҳар бир ўзига хос соҳаси – сиёсат, Ислом хуқуқшунослиги, ҳадисшунослик, тилшунослик ва унинг қўйи тармоқлари ёки бошқалари фикр юритишнинг баъзи усуслари билан боғлиқ бўлган.

Ижтиход ва ар-ра’й фикри

Ибн Абд ал-Барр (хижрий 463/ 1071-йили вафот этган) ўзининг “Жами баян ал-ilm ва фадлих” (*Jami Bayan al-Ilm wa Fadlihi*) китобида *ижтиход ar-ra’iy* мавзусида Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бизга етказилган кўплаб ривоят ва ҳадисларни келтиради. Ибн ал-Қайим (хижрий 751/ 1350-йили вафот этган) ўзининг “Илам ал-Муваккийин” китобида фикрларни уч тоифага ажратди: 1 – аниқ ишончсиз; 2 – ишончли ва 3 – шубҳали. Аксарият мусулмон уламолари фикрларнинг факат икки турини ажратиб кўрсатадилар: Қуръон, суннат ва ислом диншунослярининг яқдил қарори асосида маъқуллашга лойик фикрлар ва рад этилган фикрлар. Имом аш-Шофеъий қиёсни ижтиход билан аниқлаган ва ҳар иккала атамани навбатма-навбат ишлатган. Шундай қилиб, ижтиход билан афзал ечим “истиҳсан” [istihsān] ўртасида қатъий фарқ қилишга интилди.

Мустафо Абд Ал-Раззоқнинг фикрича, замонавий Ислом уламолари хуқуқий ҳукмларни тузишда *ижтиход ar-ra’iy* амалиётини мусулмон олимлари орасида ривожлана бошлаган ақлий тафаккурнинг дастлабки кўринишларидан бири деб ҳисоблайдилар. Қуъроннинг кўллаб-қувватлаши билан ривожланиб, камол топган оқилона нуқтаи назар, усул ал-фиқҳ ёки хуқуқшунослик тамойиллари сифатида танилган диний ва хуқуқий мактаблар ва интизомни келтириб чиқарди. Фатхи ал-Дурайний (1923-2013) фикрига қўра,

ар-ра'й, ижтиҳод сингари, мутлақ мавҳум фикрлаш билан боғлиқ эмас. Ахир мавҳум тафаккур Исломда қонун ижодкорлигининг манбай бўлиши мумкин эмас. Аслида, бу Худонинг инсон учун қонунларни юбориш хуқуқини узурпация қилишдир. Агар олим (эр-как ёки аёл бўлсин) ижтиҳод *ар-ра'йга* киритилса, у ҳосил қилган фикр фақат тил мантиқига ёки матн сўзлари орқали етказилган аниқ маъноларга асосланмайди. Аксинча, ижтиҳод *ар-ра'й* жараёнида матн билан олимнинг ақлий сезги ўртасидаги алоқа мантиқий хатоларга тушиб қолишдан ва ҳис-туйғу, шахсий истак ёки тахминийликлардан ҳимоя қилувчи муайян қоида ва тамойилларга мувофиқ амалга оширилади.

“Ижтиҳод” атамаси ўз маъносида “*тафсир*” [tafsir] (“тушунтириш” ёки “шарҳлаш”), “*тавил*” [tawīl] (“талқин”) ва бошқалар каби атамалардан тубдан фарқ қиласди. Адид Ал-Солиҳ (1926-йили туғилган) “*тафсир*”ни “сўз маъноларини ва уларнинг [диний] қоида ва тамойилларга мурожаат қилиш йўлларини ойдинлаштириш” деб белгилаган, натижада барча маъноларни очиб бергач, матн ҳаракатга қўлланма бўлади. *Тафсирнинг* бу таърифидан келиб чиқиб, *тафсир* жараёнининг ўзида ижтиҳоднинг мақсади матннинг мазмуни, унинг қонуний оқибатлари ва қўлланилишига аниқлик киритишдир. Шундай қилиб, биз гапираётган ижтиҳод юқорида айтиб ўтилган биринчи тоифага, яъни Қуръон ва суннатга асосланган Ислом қонунчилигига содик қолган нарсаларни тасдиқланган тушунчага киради. “*Raiй*” атамасига келадиган бўлсак, уни бу ерда “ижтиҳод” билан ўзаро алмасиб ишлатамиз.

ИККИНЧИ БОБ

Ижтиҳод тушунчасига қўйиладиган услубий талаблар тўғрисида

Ижтиҳод амалиёти мўътабар манбага асосланиши керак. Агар ижтиҳоддаги бирор киши учун бирламчи манба Расулулоҳнинг каломи бўлса, бу сўз ўзида обрўли, чунки у қабул қилинган Қуръон ваҳийиси ва олинган хабарни узатишда унинг бенуқсонлигига асосланади. Ал-Шавконий (1250/1834-йилда вафот этган) маълумотига қўра, Пайғамбарнинг саҳобалари томонидан ижтиҳодда ҳосил қилинган фикрлар фақат Пайғамбарнинг маъқулланиши ва тасдиқланишидан сўнг қонунчиликка нуфузли асос бўлди. Абу Ҳанифанинг (150/767-йилда вафот этган) қонуний буйруқларини чиқариш усули, аввало, Аллоҳнинг китобида айтилганларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш эди. Агар Қуръонда жавоб топилмаса, Расулулоҳнинг суннатларига мурожаат қилган эди. Шундан сўнггина Пайғамбаримизнинг у ёки бу тарзда билдирилган ниятларига асосланиб, саҳобаларнинг баёнотларига навбат келган эди.

Бошқа томондан, Имом ул-Ҳарамайн ал-Жувайнин (478/1085-йилда вафот этган) одамлар нуфузли саҳобаларнинг қарашларига риоя қиласликлари керак деб ҳисоблар эди. Улар ўзига ҳос муаммоларга чуқур сингиб кетган ва баъзи масалалар билан боғлиқ барча ҳолатларни батафсил тавсифлаган кейинги олимларнинг меросига мурожаат қилишлари керак. Ислом ҳуқуқий қоидаларини бизнинг давримизга мувофиқ қўллаш учун, ал-Жобирийнинг фикрича, ушбу мурожаат учун асос сифатида обрўли манба топиш зарур. Шундай қилиб, барча мусулмонларни ягона нуқтаи назар атрофига бирлаштириш фақат саҳобалар даврида, яъни турли диний ва ҳуқуқий мактаблар ва кенг муаммо ва масалалар бўйича юзага келган ихтилофлар туғилишидан олдинги вақтларда мумкин эди.

Ижтиход ва қатъийлашган матнлар

Ижтиходнинг ҳаракат соҳаси потенциал, тўлиқ шаклланмаган, тўлиқ юзага чиқмаган нарсадир. Шунинг учун “Қатъийлашган матнларда ижтиход йўқ” (“*lā ijtihad ma'a al-naṣṣ*”) шиори мазмун жиҳатидан ҳам, ифода жиҳатидан ҳам пировард ҳақиқат бўлган матнлар йўклигини кўрсатади. Айниқса, матнни муайян аниқ холатларга татбиқ этиш шартлари борасида Қуръон ва суннат матнларининг нақадар инновацион ва ижодий талқинлари жоизлиги мавзусида мунозаралар бўлишига қарамай, бу баёнот бугунги кунда ҳам дол зарбdir. Савол қуйидагича қўйилади: агар матн якуний деб қаралса, унга нисбатан биз учун ижтиход мумкинми ва қандай шаклда? Маъноси ва ҳақиқийлигини аниқлайдиган, кундалик, дунёвий муаммоларга бағишлиланган матнлар билан ишлашда ижтиход аввалги матнлар асосида ишлаб чиқилган қонуний низомни умуман бекор қилмайди, фақат ушбу низомдан ташқарига чиқади. Бизнинг давримизда ҳам, аввалги даврлардаги каби, ижтиход машқи икки соҳа билан чекланган. Биринчидан, бу Қуръон ёки суннат матнida аниқ тегилмаган масалалардир. Иккинчидан, бу матнлар маъно ва юқори ишончлиликка тўла бўлса ҳам, табиатда мушоҳадага асослангандир. Бу икки соҳага Ислом ҳуқуқи масалаларида ижтиходнинг энг ғайратли ҳимоячиларидан бири Фатҳи ал-Дурайний томонидан матнни ишлатиш доираси деб юритиладиган учинчisinи қўшиш мумкин.

Ҳозирги замон ижтиходига келсак, Абд Ал-Мажид ал-Нажжар (1945-йилда туғилган) матн қанчалик аниқ бўлса, матнни тушунишда мулоҳаза шунчалик кам ва аксинча бўлишини тахмин қилган. Бошқа томондан, Юсуф ал-Қардавий (1926-йилда туғилган) қуйидаги бир қатор шартларни келтиради: 1) *Ижтиход* ҳар кимдан мавжуд муаммони шакллантиришда тўлиқ равшанликка эришиш учун барча саъй-ҳаракатларини талаб қиласи; 2) қатъий хал қилинган масалалар ижтиход доирасидан ташқарида; 3) мушоҳадага асосланган матнлар ва таърифлар якуний деб ҳисобланмаслиги керак; 4) ҳуқукий ва анъанавий фикрлаш мактаблари ўргасидаги тафовутни бартараф этиш учун тегишли ишларни бажариш лозим;

5) янги фойдали ғояларни маъқуллаш зарур; 6) умумий ижтиходни ҳисобга олиш керак, чунки бутун бир гурухнинг фикри бир кишининг фикридан кўра ҳақиқатга якинроқ бўлиши мумкин.

Ижтиход ва ҳуқуқ тамоилилари

Ислом ҳуқуқи анча кенг ва у мослашувчанликка эгадир. Шунинг учун, у турли вазиятларда қўлланиладиган қонуний қарорларни етказиб беришга имкон берадиган фикрлаш ва талқин қилишга кенг ўрин беради. Ҳеч қандай аниқ матнда акс эттирилмаган вазиятлар юзага келганда, ўхшашлик “қиас” [qiyās], афзал қарор “истиҳсан” [istiḥsān], мустақил қизиқишга асосланган ҳукм “истислаҳ” [istiṣlāh] ва бошқалар каби усуллардан фойдаланишга рухсат берилди. Ислом ҳуқуқида қўйилган мақсад ва интилишлар ҳар томонлама бўлиб, улар мусулмон ҳуқуқшуносларига ёндашишда ҳам маънавий, ҳам моддий манфаатларни ҳисобга олишга имконини беради. Бундай қарорлар “таъабудийя” (яъни инсон ақли ёрдамида эришиб бўлмайдиган, асослари ва сабаблари номаълум бўлган фармойишлар ёки кўрсатмалар) деб таснифланмас экан, уларга муайян ҳуқуқий қарорларнинг ўзига хос асосларини аниқлаш ва таҳлил қилишга ҳам рухсат этилади.

Ал-Шавконий ўзининг “*Ириод ал-фуҳул*” номли асарида одатда “розилик” деб таржима қилинган “ижмо” атамаси учун қуйидаги таърифни берган: “Ижмо – Пайғамбар вафотидан кейинги даврда мусулмон жамоасининг мужтаҳидлари ўртасида маълум бир даврда, маълум бир масала бўйича эришилган келишувдир”. Ҳуқуқшунос олимлар (*uṣūl*) орасида “ижмо” атамасининг умумий қабул қилинган таърифи қуйидагиларни ўз ичига олмайди, деб тахмин қилинади: 1) ижтиход қилишга қодир бўлмаган шахслар билан боғлиқ розилик; 2) бошқа, ғайримусулмон жамоада розилик; 3) Пайғамбар хаёти давомида мавжуд бўлган розилик. Бундан ташқари, ушбу таъриф “розиликни” муайян даврга ва “муайян масалага” нисбатан қўлланиладиган атама сифатида англатишини таъкидлаш керак.

“Розилик” на билимга, на самарали ҳаракатга олиб келадиган турли йўллар билан эришилди. Ушбу тушунча ҳуқуқшунос олимлар (*işül*) ўртасида чексиз мунозараларнинг мавзусига айланди. “Розиликдан” фойдаланишни тақиқлаганлар бунга қарши кўплаб далилларни келтирдилар. Бошқа олимлар бундай даъволарни рад этиб, “розилик” тушунчасининг амал қилишини таъкидлашган. “Розиликка” таянишга эътиroz билдирганларнинг шубҳалари мусулмонларнинг тарихий тажрибаси билан тасдиқланган. Масалан, Пайғамбаримиз саҳобалари давридан бошқа ҳеч қачон мусулмон жамоати аввалги уламолар таърифлаган “розилик” турига гувоҳ бўлмаганлигини топамиз.

Шу сабабли, ҳуқуқшунос олим (*işül*) Ал-Шавконий ўзининг “*Иршод Ал-фуҳул*” асарида шундай деган эди: “Ҳатто “розиликка” таянишни тарғиб қилганлар томонидан илгари сурилган барча далилларнинг ҳақиқийлигини қабул қилсан ҳам, бундай далиллардан бу одамлар асосланган бўлган нарсалар ҳақида “келишувга” эришганини ўрганишимиз мумкин. Факат бирор нарсанинг асосли бўлиши унга ёпишиб олишимизга сабаб эмас”. Аҳмад Шокир (1892-1958) бу ҳақда қуидагича изоҳ берди: “Ҳуқуқшунос олимлар (*işül*) ўртасида тортишув сабаби бўлган “розилик” турига келсан, бу тортишув шунчаки ҳал бўлмайди. Аслида, бу фақат пучхаёл. Баъзи ҳуқуқшунослар борки, улар муаммога мубтало бўлиб, ўз нуктаи назарлари фойдасига ишонарли далиллар топа олмасликлари билан у ёки бу томон билан “розиликка” келганликларини даъво қиладилар ва ракибларини кофир деб атайдилар”. Аллал Ал-Фаси (1910-1974) ўзининг “*Макасид Ал-шария Ал-Исломийя ва Макаримуха*” (“Ислом ҳуқуқининг интилишлари ва фазилатлари”) номли китобида баён қилган: Ягона чин “розилик” бу *мужстаҳидлардан* келиб чиқадиган розилик ҳисобланади. “Розилик” амалга оширилмаётганлигининг камида иккита сабаби бор: биринчидан, унга эришиш учун етарли мотивация йўқ, иккинчидан, бутун дунё мусулмонларини бирлаштириши мумкин бўлган Халифаликнинг таназзули.

Иймонлиларни ваъзларга йиғиш ва қарорларни қонунийлаштириш учун фойдаланадиган ваколатларидан нафланадиган саҳобалар томонидан қилинган ишларга мурожаат қилишда мен алоҳида фазилатни кўрмаяпман. Зоро, ўша даврдаги мусулмонлар жамоаси бугунги кунда юз берётган қийинчиликлардан тубдан фарқ қила-диган вазиятда эди, бу эса ички зиддиятлар ва ташқаридан душманлик босими натижасида вайрон қилувчи жараёнларга олиб келади. Бундан ташқари, ўз даврининг етакчи *мужтаҳидлари* бўлган дастлабки халифалар дунёвий ҳокимиятни Қуръон таълимотлари билан қандай бирлаштиришни чуқур англаб этганликларини ва бунда улардан кейин келганларнинг барчасидан ўзиб кетганликларини унутмаслик керак.

Ижмо, биринчи навбатда, *мужтаҳид* бўлиш шарафига мусулмон бўлган мусулмон жамоаси аъзолари ўртасидаги розиликдан иборат. Сўнгра ушбу розилик *Тавба сурасида* (Куръон, 9:122) юборилган кўрсатма асосида (яъни, уруш пайтида мусулмонлар жанг майдонида бўлмаганида иймон асосларини ўрганишлари керак, шунда улар жанглардан сўнг уйларига қайтиб келган биродарларига таълим беришлари мумкин) мусулмон жамоатининг барча бошқа аъзолари орасида тарқатилиши керак эди. Шундай қилиб, олимлар жамоасининг розилиги, моҳиятан, бутун мусулмон жамоасининг розилиги бўлади. Бундай кенг қамровли розиликни сон-саноқсиз хусусий келишувлар билан алмаштириш учун ҳеч қандай асос йўқ, уларнинг ҳар бири маҳаллий даражада чекланган. Шунингдек, тушунчани энди келишувга эришиб бўлмайдиган даражада кенгайтириш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Жамоат ёки гуруҳ ижтиҳод мусулмон жамоасининг иймонига амал қилиш эҳтиёжига жавобдир. Шунингдек, у мусулмон жамоасининг ақлий, маданий, сиёсий ва ижтимоий бирлиги, кучи ва яхлитликнинг ифодасидир. Асосан, биз бу ерда мусулмонлар ўртасида бир гуруҳ ижтиҳод ташкил қилиш ва унда иштирок этиш зарурлиги ҳақида бир турдаги ижтимоий шартнома ҳақида сўз юритамиз. Ижтиҳодни амалга оширишнинг айрим шакли, унга эришиш усуллари, гуруҳ ижтиҳоди ва давлат органлари каби ижро ҳокимияти

марказлари ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳақида ихтилофлар бўлса ҳам. Баъзи уламолар Ислом илохиётининг барча соҳаларида кўзга кўринган олимлар иштирокида академия ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Ушбу академия дунёнинг барча худудларида Исломни ўрганган кучли олимларни бирлаштириши ва кўплаб ҳуқуқ мактабларини тақдим этиши мумкин. Бундай академияда мусулмон жамоасининг энг долзарб муаммолари мухокама қилиниши, қарорлар қабул қилиниши ва ҳар бир мусулмон қаерда яшасин, ундан талаб қилинадиган нарсалар тўғрисида жамоатчиликка етказилиши мумкин. Яна бир ташабbus мусулмон давлатлар томонидан “нуфузли олимлардан” бутун мусулмон оламининг вакили бўладиган ва қарорлари ушбу барча давлатлар учун “мажбурий” бўлган қонун чиқарувчи кенгаш тузиш ваколатини беришdir.

Ат-Турабийнинг фикрига кўра, “ижмо” тушунчаси обрўли олимлар томонидан амалга ошириладиган ҳуқукий қарорлар ишлаб чиқишининг замонавий амалиётига ҳам тааллуқлидир; билвосита розиликка парламент вакиллик тизими орқали ҳам эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бутун дунё мусулмонлари томонидан сайланган парламент кенгаши жамоатчиликни қизиқтирган масалаларни ҳал қилишда жавобгар бўлиши мумкин. Агар “ижмо” ҳақиқатан ҳам бутун дунё мусулмон жамоатчилигининг мусулмонларнинг ақлий ва сиёсий бирлигини таъминлашга розилиги сифатида кўрилса ва агар бу розилик ўринли амалга оширилса, келишувга эришиш жараёни шу қадар кенг қамровли бўладики, у қарор қабул қилиш учун масъул давлат органларига муқаррар таъсир қиласи.

“Ижмо” ёки “розилик” термини мазмунида “ижтиҳод” атамасини Ислом ҳуқуқи соҳасида анъанавий тарзда ижтиҳодга берилганидан кўра кенгроқ маънода қўллаймиз. Бу ўринда биз кўпроқ иштирок этишни талаб қиласидиган ижтиҳод тури ҳақида гапирамиз ва унинг хизматида мусулмон жамоасининг барча ресурслари ва имкониятлари иштирок этишини таъкидлаб ўтамиз.

УЧИНЧИ БОБ

Ижтиҳод шартлари ва розилик-келишмовчилик диалектикаси тұғрисида

Ижтиҳод билан боғлық бўлган энг баҳсли мавзулардан бири *мужтаҳид* бажариши зарур бўлган шартлар, яъни ижтиҳод қишлишга лойиқ деб топилган киши мавзуси эди. Ҳуқуқшунос олимларнинг (*uşul*) бажарилиши керак бўлган шартлар турлари, шунингдек, уларнинг қаттиқлиги ва юмшоқлиги тұғрисида фикрлари жуда бўлинниб кетган. Мусулмонлар жамоаси ҳаётининг кўплаб соҳаларида тараққиёт йўқлигини ҳисобга олсақ, бу зиддиятлар ҳали ҳал этилмаган ва ҳатто чуқурлашиб бормоқда.

Замонавий фикр ва сақлаш – қайта кўриб чиқиши масалалари муҳокамаси

Мужтаҳид бўлиш шарафига мұяссар киши зарур бўлган шарт-шароитлар борасидаги замонавий тортишувлар икки асосий йўналишга олиб келди. Биринчи йўналиш бу шартларни анъанавий шаклда амалга оширишнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва соддалаштириш, иккинчиси эсаиакадемик ютуқларга эришиш ва айниқса, шу кунларда ўрганиш имкониятларининг ортиб бораётганлигидан келиб чиқиб, уларни ўзгаришсиз сақлаб қолиш зарур. Ҳуқуқшунослик соҳасида янада ривожланган аниқ шароитларга замин яратган биринчи олим аш-Шофеъий бўлиши мумкин. Мавжуд шартлар рўйхатларини қайта кўриб чиқиш тарафдори бўлган далиллардан бири шуки, улар Куръон ёки суннатнинг қатъийлашган (каноник) матнларига асосланмаган. Эҳтимол, ҳуқуқшунос олимлар бундай шарт-шароитлар ижтиҳод мақсадини, яъни илохий ваҳийни кафолатли чукур англаш ва қўллашни таъминлашга ёрдам беришига дастлаб ишонч ҳосил қилишган. Бироқ, ушбу усулларнинг ҳеч бири ваҳий матнларида аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли, тортишувлар пайдо бўлди. *Мужтаҳидларга* кераксиз даражада оғир шароитлар қўйиш ижтиҳод руҳини ўлдир-

ган ва тақлид қилишга мойилликни кучайтирган деган фикрлар мавжуд.

Ат-Туробийнинг фикрига кўра, ижтиҳодни бошқарувчи низом жамият ўз дини ҳақида мулоҳаза юритиш мажбуриятидан озод бўлган оддий халққа ва диний сирлар ва яширин ҳақиқатларга монополияга эга бўлган ақлий элитага бўлинган соф расмий чекловлар эмас. Бирор кишининг *мужтаҳид* вазифасини бажаришга қодирлигини аниқлаш учун баъзи бир расмий мезонлардан фойдаланиш мумкин, масалан, дъавогарнинг маълум бир соҳада олий маълумотга эга бўлиши. Бироқ, қандай малакалар ҳақида гапираётганимиздан қатъий назар, оқибатда мусулмон жамоатчилигининг кенг доира-лари инсонни унинг муҳокамасига кўра баҳолаши керак.

Исмоил Р. Ал-Форуқий томонидан киритилган яна бир ўзига хос шарт – бу биз “исломийлик” [Islamicness] деб атаган нарсадир. У буни, биринчидан, “исломийлик” ҳукуқшунос олимлар (*işül*) томонидан шакллантирилган бошқа барча шартларнинг биринчи шарти эканлиги билан оқлади. Иккинчидан, *мужтаҳидлар* томонидан ишлаб чиқилган ҳукуқий қоидалар олий мақсад ёки интилишларга асосланган бўлиб, улар ўз навбатида Ислом таълимоти ва қадриятлари бағрида шаклланади.

Ижтиҳодда иштирок этиш шартлари: тарихий ва замонавий моделлар

Ал-Бурҳон Ал-Жувайниний ўз китобида *мужтаҳид* эгаллаши лозим бўлган фазилатлар ҳақида бошқа ҳукуқшунос олимлар (*işül*) томонидан ёзилганларнинг ҳаммасини умумлаштирган. Ал-Исфарайний (ҳижрий 340-418/949-1027-й.) бу каби қирқдан кам бўлмаган фазилатларни санаб ўтади. *Мужтаҳид*, масалан, балоғат ёшига этиши, Араб тилини яхши билиши, Қуръон ва Қуръон илмлари, Ислом ҳукуқи, тарих, ҳадис илмлари ва фиқҳнинг асосий манбаларини билиши, инсон психологиясини тушунишни инъом этиши керак. Имом Фаззолий “*Ал Мустафа*” асарида, биринчидан, *мужтаҳид* Ислом қонунларининг энг юқори мақсадларини, муҳим

масалалар ва муаммоларни келтириб чиқариш ва ҳал қилиш қоби-
лиятини тўлиқ англаб етиши ва уларни мухимлик даражасига қа-
раб тақсимлаши керак, дейди. Иккинчидан, у адоб-ахлоқ намунаси
бўлиши, бошқаларга нисбатан адолатли ҳаракат қилишига тўсқин-
лик қиладиган гуноҳлардан сақланиши зарур.

Аз-Зарқоший таъкидлаган шартлардан бири унинг “кўриш усу-
ли” (*kayfiyyat al-nażar*) деб аталганлиги, яъни хулосалардан қандай
фойдаланиш ва ҳақиқий дастлабки шартларни қандай тақдим
этишни тушуниши эди. Шу муносабат билан аз-Зарқоший шундай
ёзган: “Бу ал-Ғазолийнинг [мужтаҳид] мантиқ илмини англаши
лозим бўлган позициясига асосланади”. Бироқ “Мажмуъ ал-фа-
тово”да Ибн Таймиянинг (728/1328-йилда вафот этган) ёзилиши-
ча, агар кимдир мантиқни тушунмасдан ижтиҳод қилиш мумкин
эмас, деб даъво қилса, бу гап уни “Ислом ҳуқуқида ҳам, [юон]”
мантиғида ҳам жоҳилни” ошкора қиласди. Аз-Зарқоший “Ал-Баҳр
ал-Муҳит”да “заковат ва ақл”, “диннинг асосий манбаларини ҳар
томонлама билиш” ва “арифметикани билиш”ни *мужтаҳидлар*
учун зарур бўлган мухим фазилатлар деб атаган. Аш-Шотибий
мужтаҳидларнинг талаб қилган барча фазилатларни иккита асо-
сий сифатга туширди, лекин у буни олдин ҳеч ким бўлмаганидек
аниқ ва батафсил бажарган. Бу, биринчидан, Ислом ҳуқуқининг
мақсад ва ниятларини тўлиқ англаш; иккинчидан, бундай тушунча
асосида қарор (хукм) чиқариш қобилиятидир. Ал-Розий ўзининг
“Ал-Маҳсул фи Илм ал-Усул” (*Al-Mahsul fi ‘Ilm al-Usul*) асарида
шундай ёзади: “бирор соҳада олимлар орасида келишув бор ёки
йўқлигини аниқлашда қарашлари инобаттга олинган одамлар айнан
шу соҳада мутахассис бўлган мужтаҳидлардир, ҳатто бошқа соҳа-
ларда ҳам шундай бўлмаса ҳам”.

Ал-Қардавийга кўра, *мужтаҳид* чуқур билиши керак бўлган
саккизта мавзу мавжуд, яъни: Куръон, суннат, араб тили, рози-
лик жиҳатлари, ҳуқуқшунослик тамойиллари, Ислом қонунлари-
нинг мақсадлари ва ниятлари, одамлар ва ҳаёт масалалари. Аллал
Ал-Фоссийнинг фикрича, *мужтаҳид* уч асосий манбага таянади:
1) илоҳий ваҳийда берилган илм; 2) Араб тилидаги айрим маҳсус

сўзларнинг маъноларини ўрганиш; 3) далилларни баҳолаш ва энг фойдали нарсаларни танлаш жараёни. Ал-Хажви ал-Таалиби (Al-Hajwi al-Thaalibi, 1956-йилда вафот этган) “Ал-Фикр ал-Сами” ўз китобида мужтаҳидга ўз таърифини берган, унга кўра у турли илмий фанларни чуқур тушунадиган, ақл далилларини тан оладиган ва тил илми, Араб тили, дин асослари, риторика, шунингдек, Қуръон ва суннат асосида олинган ҳукуқий аҳкомларни исботлаш амалиёти каби соҳаларни чуқур биладиган “билимдон одам”дир.

Ижтиходни тушуниб олишда “Тўғри” ва “Нотўғри”

Ижтиходни англаш жараёнида пайдо бўладиган “тўғри” ва “нотўғри” нарсалар ҳақидаги саволлар *мужстаҳид* сифатида тан олинишга лойиқ бўлиш учун бажариши лозим бўлган шарт-шароитлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу шартларнинг мақсади илм изловчининг *мужстаҳид* ролини бажаришга чин дилдан тайёр бўлишини таъминлашдир. Ислом ҳукуқида *мужстаҳиднинг* қарори тўғри бўлса, иккита, агар у нотўғри бўлса, битта савоб олиши назарда тутилган. Аммо малакасиз шахсларга ижтиҳод қилиш қатъиян ман этилади. Агар уларнинг қарорлари тўғри бўлса ҳам, улар ўзларининг ҳукмларида ҳам нотўғри, ҳам хатода айбдор деб ҳисобланадилар.

Мусулмон жамоасининг асоссиз янгиликларга, сохта ғоялар таъсирига дучор бўлганлиги ва таназзулга учраганлиги, қолоқлик ва турғунлик ҳолатига тушиб қолганлиги ижтиҳод амалиётини ҳаётнинг турли соҳаларида сақлай олмаслик билан изоҳланади. Аксинча, ижтиҳод узлуксиз амалиёт бўлса, *мужстаҳидлар* томонидан муқаррар равишда тузатилиб, барҳам топгани учун жамиятда хато, номақбул фикр ва қарорларни узоқ сақлаб бўлмайди.

Ҳукуқшунос олимлар (*işīl*) ягона ва ўзгармас “ҳақиқат”нинг мавжудлигига асосланиб, *мужстаҳидларнинг* келишмовчиликларидан қатъий назар, уларнинг қайси бири бу “ҳақиқат”ни тўла даражада ўзлаштирганини аниқлаш мумкин бўлмагунча бир қарашда, асосан, ҳаммаси тўғри деган холосага келадилар. Бироқ, бошқа томон-

дан, ҳақиқат турли вазият ва шароитларга қараб ҳар хил шаклларда бўлади деган асосдан чиққанлар бир хил хulosага келишади: барча *мужтаҳидлар* келишмовчиликларидан қатъий назар ҳақлидирлар. Бир қатор олимлар ўзларининг “Тўғри” ва “нотўғри” бўлган нарсалар ҳақидаги мунозараларида “оқилона фикрлар” (*aқлият [aqliyyāt]*) ва “қонуний хуқуқлилик” (*shariyat [shar'iyyat]*) соҳалари орасида ажралиб турганлар. Оқилона фикрлар даражасидаги хато Худони ва Расулини билиш йўлида тўсиқ бўлиши мумкин, чунки бу соҳада фақат битта ҳақиқат бор ва бошқаси йўқ. Ушбу ҳақиқатни тасдиқлайдиганлар иймон йўлида. Ундан бош тортганлар коғирлардир. Юқорида айтиб ўтилган иккала фикр ўртасида бўлган одамларга келсак, улар ҳақида фикрлар турлича.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Таждид ва ижтиҳод ўртасидаги ўзаро тўлдириш ва кесишуви нуқталари

**“Таждид” (*Tajdīd*) атамаси, унинг лугатларда ва хуқуқда
таърифи, ҳамда маҳсус атама сифатида ишлатилиши**

Уч ҳарфли *j-d-d* илдизи жуда кўп маънога эга. Масалан, “жадда” [jadda] феъли (феълдан ясалган “жидда” [jiddah] оти) “янги бўлмоқ ёки янги бўлиб колмоқ” маъносини англатади ва шу таъриқа “ҳаракат сарфини” англатувчи “ижстаҳада” [ijtahada] феъли билан семантик жиҳатдан боғлиқ бўлиб, янги маънолар юзага келади. Дастреб “жадда” [jadda] феъли “кесмоқ” (феълдан ясалган “жадд” [jadd] оти) маъносини англатган. Урғочи туяга нисбатан ишлатилганда “жадуд” [jadūd] сифати у “сутини йўқотган” деган маънони англатади, янги ридога нисбатан эса у “яқинда қирқилганини” билдиради. Бошқа тегишли феъл шакллари “тажаддада” [tajaddada] – “янгилangan бўлиш”, “жаддада” [jaddada] – “янгилаш” ва “истажадда” [istajadda] – “янгидан пайдо бўлиш”. “Жидда” [jiddah] сўзи “била” [bilā] – “таназзул, вайрон бўлиши” исмининг тескарисидир. Шунинг учун “ал-жадидан” [aljadīdān] атамаси Күёш ва Ойни белгилашда ишлатилган, яъни “ҳар доим янги бўлган иккита нарса”, чунки улар ҳеч қачон бузилмайди ёки эскирмайди.

Қуръонда биз “жадид” [jadīd] сифатини олти марта учратамиз. Бироқ суннатда “таждиҳ” [tajdīd] ва “ижтиҳод” атамалари қатъий белгилangan, мутлақ маънода бўлмаса-да, бошқарув ва қўлланмага

нисбатан фойдаланилиб, бошқа барча мазмун ва маъноларни бекор қилмайди. Суннатда *j-d-d* илдизидан келиб чиққан сўзлар мавжуд бўлиб, улар “эскириш”дан фарқли равишда “кесиш”, “ажратиш”, “ўз-ўзини таъминлаш”, “аҳамият”, “барқарорлик”, “равшанлик” ва “янгилик” маъноларига эга. Айрим олимлар “янгиланиш”ни ягона шахс ёки кичик ташаббускор гурух томонидан бошланган ҳаракат деб ҳисобласа, бошқалари уни бутун жамоа ташаббуси ва ҳаракати деб қарашади.

Ушбу шахс ёки ташаббускор гурух Ислом қонунлари бўйича мута-хассис бўлиши шарт эмас. Ат-Туробийнинг фикрига кўра, диний янгиланиш бир гурух кишилар томонидан биргаликда иш олиб бо-рилиши керак, чунки бизнинг давримизда ҳаёт шу қадар муракка-блашиб кетганки, ҳатто энг таникли ва нуфузли шахс ҳам бундай вазифани якка ўзи бажара олмайди. Ал-Қардавий диний янгила-нишни тарғиб қилиш бир кишининг эмас, балки ҳақиқат учун уму-мий истак билан бирлашган бир гурух одамларнинг иши эканли-гини кўрсатувчи Пайғамбар ҳадислари асосида диний янгиланиш таърифини кенгайтириш таклифи билан чиққан. Бирор нарсани янгиласак, мақсадимиз янгиланаётган нарсанинг муҳим хусусия-тини ўзгартириш ёки уни бошқа нарса билан алмаштириш эмас, аксинча уни асл ҳолатига қайташдир. Диннинг янгиланишига келсак, у асл пойдеворга таянишни ва асл хабарига, шунингдек, асл мақсадига қайтишни ўз ичига олади.

Исломдаги ақлий янгиланиш мавжуд тушунчаларни бекор қил-майди ва янги тафаккур тизимини яратмайди. Аксинча, бу замо-нимизнинг долзарб талабларига мувофиқ ва асосий тамойиллар, методологиялар ва аниқ далилларга асосланиб, аллақачон мавжуд бўлган гояларни қайташи, ҳамда ривожлантиришни ўз ичига ола-ди. Унинг нуфузли манбаларига келсак, булар Қуръон, Пайғамбар-нинг суннати, Ислом тамойилларини (ақл, розилик ва ҳоказо) ту-шуниш усуслари ва механизмлари, шунингдек, Ислом маънавий ва хуқуқий меросидир.

Исломнинг замонавий ақлий янгиланиш моделлари

Янгилашнинг бошланғич нуқтаси Куръон ва суннатдир. Куръон ва суннатни турли вазиятларда тушунишимиз ва қўллашимиз мусулмонларнинг илк авлодлари, айниқса Пайғамбаримиз сахобалирининг ҳамда мусулмонларнинг кейинги авлодлари тажрибасини ўрганиш орқали шаклланади ва бошқарилади. Олимлар ва мутафаккирлар муайян муаммоларни тушуниш ва ҳал қилишда фарқ қилиши мумкин, аммо асосий заминлар ва якуний мақсадлар улар учун умумий бўлса, буни қилишнинг зарари йўқ.

Шуни таъкидлаш керакки, диний ва ақлий янгиланишнинг деярли ҳар бир замонавий моделини учта асосий, бир-бири билан кесишган концептуал соҳаларга ажратиш мумкин: дин, ақл ва ҳақиқат (яни, аниқ бир ҳолатлар) ёки ваҳий, инсоният ва космос. Ҳеч қандай ижтимоий тузилма фақат санъат, илм-фан ва ақл-заковат асосида мавжуд бўла омайди, чунки у инсониятни олдинга силжитиши ва ривожлантиришга имкон берувчи маънавий ўлчовдир. Маънавий ўлчов бўлмаган жойда ривожланиш таназзулга юз тутади, чунки юқорига қўтарилиш қобилиятига эга бўлмаганлар оғирлик кучи таъсири остида муқаррар равишда пастга тушадилар.

Малек Беннаби (1905-1973) терминологиясида цивилизацион янгиланиш ва уйгониш учун зарур моддалар – инсоният, тупрок ва вактдир. Ушбу учта омил мусулмон жамоасини ўзининг дастлабки тарихий босқичларида зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаган ижтимоий капитални ташкил этади. Ҳозирги вактда ҳал қилиниши керак бўлган устувор вазифаларга келсақ, Мунир Шафиқ (1936-йилда туғилган) қуйидаги долзарб масалаларни сабаб ўтади: мусулмон жамоасини ташқи назоратдан озод қилиш орқали ўз мустақиллиги ва қадр-қимматини қайта тиклашга имкон бериш; бутун дунёдаги мусулмонлар жамоасини “парчалаб ташлаётган” бўлинишлар ва натижада бирликка эришиш зарурати; ривожланиш билан боғлиқ муаммолар; ижтимоий адолат ва инсон қадр-қиммати масалалари, маслаҳат амалиёти, шунингдек, ҳукмдорлар ва ҳалқ ўргасидаги муносабатлар; атроф-мухит ифлослани-

ши; камбағал мамлакатларнинг қарз юки; оиланинг парчаланиши ва емирилиши.

Янгиланиш ва уни тушунишда ва ундан фойдаланишда турли ёндашувлар

Олимлар, одатда, “янгиланиш” деб таржима қилинган “*таждид*” [tajdīd] атамаси ва шу соҳадаги бошқа атамаларни фарқлаш бора-сида бир фикрда эмаслар. Бу фарқнинг сабаби шуки, замонавий фойдаланишда бу атамаларнинг айримлари мусулмон жамоаси-нинг тарихий эътиқодлари ва амалиётига зид бўлган маънолар ёки боғлик маъноларни ўз ичига олади. Аксинча, улардан фойдала-нишни бутунлай бартараф этишдан кўра, биз ушбу атамаларни ва тегишли тушунчаларни исталмаган нозик фарқлар ва боғлик маъ-нолардан ажратиб, уларнинг терминологик, лингвистик ва хуқукий келиб чиқишини таъкидлашимиз лозим. Энг тўлиқ янгиланиш – бу тикланиш ва ривожланишни бирлаштирган янгиланишdir.

Мен диний ислоҳотлар ва янгиланишларга оид бир неча хил ён-дашувларни тақдим этаман. Биринчи ёндашув муаллифи Хичем Жайт (Hichem Djait, 1935-йилда туғилган), Ислом қонунчилиги соҳасида орқада қолаётган мамлакатлар бу борада анча ри-вожланган давлатлар ортидан етиб бориши керак, деб ҳисоблайди. Масалан, Жайт бундан ўн уч аср муқаддам Умавийлар томонидан ташлаб кетилган ҳудуд (*Hudūd*) жазоларига чек қўйишимиз керак, деб таъкидлайди. Бунинг ўрнига, биз эскирган ва бугунги воқелик-ни акс эттириш учун қайта кўриб чиқишига муҳтоҷ бўлган шахсий мақом тўғрисидаги қонуннинг кенг доирасига эътиборимизни қа-ратишимиз керак.

Бир семантик оиласига мансуб атамалар

Бир неча атамалар ўз маъносига кўра кўпроқ ёки камроқ “*таждид*” [tajdīd], ёки “янгиланиш”га тўғри келади. Бундай ата-малар бир қатор умумий семантик элементларга эга. Уларнинг барчаси, масалан, бир одам ёки бир гурух кишилар билан, ўзи ёки

бошқа одам билан, нарсалар ёки ғоялар билан, бу дунё ёки нариги дунё билан боғлиқ. Бундан ташқари, барча атамалар харакат ва янгиланишни, мустаҳкамлаш ва кўмаклашишни ва бир вазиятдан бошқасига ўтишни англатади. Улардан баъзилари ҳатто бир-бира-нинг ўрнига фойдаланиш мумкин.

1. “Тагийр” [*taghyīr*]: одатда “ўзгариш” деб таржима қилинади, “гайяра” [*ghayyara*] феъли (феълдан ясалган “*taghyīr*” оти, “тагайяра” [*taghayyara*] феълнинг ўзгармас шакли) кимдир ёки бирор нарсанинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ёки бир вазиятдан бошқа вазиятга ўтиш жараёнини англатади. Биз бирор нарсани ўзгартирганда, уни бошқача қиласиз. “Тагийр” ёки ўзгариш деб номланган жараён икки шаклдан бирини олиши мумкин. У бирон бир нарсанинг моҳиятини ўзгартирасдан унинг кўринишини ўзгартиради ёки, аксинча, унинг моҳиятини ўзгартиради, бошқача қилиб айтганда, кўринишини бошқа нарсага ўзгартиради.

Масалан, Абд Ал-Мажид ал-Нажжар ўзгариш жараёни икки асосий ўқ атрофида жойлашган деб ҳисоблайди: биринчиси – бу ҳақиқатни инкор этиш, иккинчиси эса – бу мавжуд ҳақиқатни муқобил ҳақиқат билан алмаштиришга қарор қилиш. Шу билан бирга, ушбу муқобил нима эканлигини ва уни амалга ошириш йўллари қандай эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга асосланган.

2. “Ислаҳ” [*iṣlāḥ*]: “салаҳ” [*salāḥ*] “эзгулик”, “адолат” ва “асослилик” маъноларни англатувчи “фасад” [*fasād*], сўзига қарама-қарши бўлиб, “бузилиш”, “таназзул” ва “зарар” деган маъноларни англатади. Шунинг учун олинган феъл шакли “аслаҳа” [*aslaḥa*] (феълдан ясалган “*iṣlāḥ*” оти) яхшилаш, пойдеворга келтириш, шунингдек, асоссиз ва бузилган нарсаларни тузатиш маъносига эга. Қисқасини айтганда, маъно – ислоҳ қилиш ва қайта тиклаш. Ушбу семантик соҳадаги қарама-қарши жуфтликлардан бири бу “муслиҳ” [*muṣliḥ*] – “ислоҳотчи” тушунчаси ва “муфсуð” [*mufsid*] – “бузғуничи, қўзғатувчи” тушунчаси ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Улар бир шахс ва шахслар гуруҳи билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

3. “Иҳйа” [*Ihyā*]: уч ҳарфли *h*-у илдизи (феълдан ясалган “ҳайа” [*hayāh*] ва “ҳайаван” [*hayawān*] отлари), “ўлим” деган маънони англатувчи *m-w-t* илдизига (феълдан ясалган “мавт” [*mawt*] ва “мавтани” [*mawtān*] отлари) қарама-қаршидир. Ҳаёт ва ўлим охир-оқибатда одамларга, ҳайвонларга, ўсимликларга ва бутун сайёрага таъсир қилади. Шунингдек, ҳаёт ва ўлим ғояларга, тамойилларга, таълимотларга ва назарияларга ҳам таъсир қилади. Қуръондан келтирилган иқтибос: “Кўр билан кўзи очиқ тенг бўлмас. Зулумотлар билан нур ҳам. Соя билан жазирама ҳам. Тириклар билан ўликлар тенг бўлмас...” (Қуръон, 35:19-22) Салаб (*Tha'lاب*) қуидагича талқин қилди: “Бу ердаги “тириклар” мусулмонларга, “ўликлар” эса Ислом хабарини инкор қилганларга тегишлидир”. Биз уни янгиланиш, ўзгариш, ўзгартириш, тиклаш ёки қайта туғилиш деб айтамизми, барчаси бир хил вазифани бажаради ва бир хил мақсадга хизмат қилади.

4. “Ba'c” [*ba'th*]: учта ҳарфдан иборат *b-'-th* илдизи “сабаб бўлмок”, “ундамоқ”, “иғво қилмок”, “қўзғатмок”, ёки “уйғотмоқ” деган маъноларни англатади. Одат бўйича “ba'atha” сўзи икки асосий маънони ифодалаш учун ишлатилган. Улардан биринчи маъноси – юбормоқ, “Аъроф” сурасида Аллоҳ изҳор қилганидек: “Сўнгра уларнинг ортидан Мусони Ўз оятларимиз ила Фиръавн ва унинг зодагонларига юбордик [*ba'athnā*]” (7:103) ва “Бақара” сурасида каби: “Одамлар бир миллат эдилар. Бас, Аллоҳ хушхабар ва огоҳлантириш берувчи Набийларни юборди [*ba'atha*]...” (2:213) Иккинчи маъноси эса – “қайтадан вужудга келтирмоқ” ёки “тирилтирмоқ”, “Бақара” сурасидаги каби: “Сўнгра ўлимингиздан кейин қайта тирилтирдик [*ba'athnākum*], шоядки шукр қилсангиз”. (2:56)

5. “Наҳда” [*nahdah*]: уч ҳарфли *n-h-d* илдизи “юқорига қараб ҳаракатланиш” деган маънони билдиради. Шу тарзда, “наҳада” [*nahada*] (феълдан ясалган “наҳд” [*nahd*] ёки “нуҳуд” [*nuhūd*] оти) ва унинг ҳосиласи “интиҳада” [*intahāda*] “кўтарилимоқ” маъносига эга. “Наҳда” [*nahdah*], “наҳд” [*nahd*] ҳамда “нуҳуд” [*nuhūd*] – “ҳаракат”, “кўтарилиш” ва “куч йиғиш” деган маъно беради. Шунинг учун *n-h-d* илдизи Қуръонда учрамасада, юқорида кўрсатилган ил-

дизларга (*taghyīr*, *iṣlāḥ*, *iḥyā'* и *ba'th*) тўла мос келади. Шунга қара-масдан, у суннатда, айниқса, намоз [*salah*] маросим ибодати учун кўрсатмаларга бағишиланган асарларда ишлатилади. Бироқ, йигирманчи асрнинг ўрталаридан бошлаб, “уйғониш” ёки “қайта туғилиш” деб таржима қилиниши мумкин бўлган “нахда” [*nahdah*] атамаси анча кенг тарқалган. Шу сабабли у “уйғониш кашшофлари” (*ruvvad al-naħda* [*ruw-wad al-naħdah*]) деб аталган бутун бир авлод мутафаккирлари бошчилигидаги ақлий ҳаракат билан кўпроқ боғлиқ бўлиб қолди.

БЕШИНЧИ БОБ

Тақлид [*Taqlīd*] ва Содиқлик [*Ittibā'*]: қарама-қаршилик ва ўзаро тўлдириш

Ибн Фарисга (395/1004-йилда вафот этган) кўра, уч ҳарфли *q-l-d* илдизи, икки илдизни ташкил этувчи “каф”, “лам” ва “дал” ҳарфларидир. Биринчиси, бирор нарсага ёки кимгадир ниманидир “осиш” ёки “илиш” маъносини билдиради, иккинчиси эса “толе” ёки “тақдир” маъносини англатади. Кўплик сон шаклида “қилада” (*qilādah*) (қалаид (*qalā'id*)) тушунчаси Қуръонда бир марта айнан юқорида кўрсатилган маънода ишлатилади. “Моида” сурасида (5:2) “қалаид” атамаси қурбонлик учун мўлжалланган ҳайвонларнинг бўйинларига тақиладиган маржонларни назарда тутади, суннатда эса Ойшанинг сўзлари бор: “Мен Расууллоҳ (соллалоҳу алайхи васаллам) нинг қурбонлик ҳайвони учун ўз қўлларим билан маржон ясадим (қалаид хади расууллоҳ [*qalā'id hadī rasūl Allāh*]). Кейин у ҳайвонни ушбу маржон билан безатди (қалладаха [*qalladahā*]”. Қуръонда бўлгани каби суннатда ҳам “қаллада” [*qallada*] феъли (ва феълдан ясалган “тақлид” [*taqlīd*] оти) билан ифодаланган тушунчанинг аниқ таърифи йўқ.

Аш-Шотибий Ибн Масъуднинг “Аль-Ильтизам” китобидан қуйидаги сўзларни келтиради: “Динингизга ғамхўрлик қилинг ва бошқа

бировга шунчаки *тақлид* қилишдан, факат бирор унга ишонгани учун бирор нарсага ишонишдан, шунингдек, бирор унга ишонмаслиги учун унга ишонмасликдан эҳтиёт бўлинг”. Шунинг учун ҳам бир қатор олимлар тақлидни Исломнинг илк асрларида мумкин бўлмаган “ножоиз янгилик” (bid'a azima [bid'ah 'azīmah]) деб ҳисоблаганлар. Ал-Шавконий шундай деган: “*Тақлид*”га [taqlid] эргашган киши на Куръон таълимотларида ва на Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ) нинг ўзи мисолида бирон бир савол туғдирмайди, у ўз имомининг таълимотларидан мамнунроқдири. Эркакми, аёлми, ўз имомининг таълимотидан ташқарига чиқиб, тўғридан-тўғри Куръон ва суннатга мурожаат қилган одам эса тавсиф жиҳатдан *муқаллид* [muqallid] эмас. Шу сабабли “*тақлид*” “далил келтириш талаб қилинмасдан, бошқа бирорнинг айтганига кўр-кўрона эргашиш” деб белгиланган”.

Ажабланарлиси шундаки, таълимоти энг кўп *тақлид* қилинган одамлар, яъни турли хил диний ва ҳуқуқий мактабларнинг асосчи-лари тақлидни қоралашда ва тақиқлашда, шунингдек, ижтиҳодни ўрганиш ва далилларни топишнинг мухимлигини талаб қилишда қатъий эдилар. Аҳмад Ибн Ҳанбал огоҳлантирган: “Ўз динингизни бошқа одамларга қарам қилиб қўйиш – бу жоҳиллик ва тушун-мовчилик белгисидир”. Кейинги давр олимлари орасида *тақлид*-нинг энг кўзга кўринган танқидчилари “ислохотчилик ҳаракати” (ал-харака ал-ислахийә [alharakah al-iṣlāhiyyah]) ёки “замонавий салафийлик” (ал-салафийә ал-хадиса [alsalaftuyyah al-hadīthah]) тарафдорлари бўлиб, уларнинг тармоқлари турли ҳаракат ва та-факкур мактаблари ҳисобланади. Фатҳи ал-Дурайний бу борада таъкидлаб ўтди: “Тақлидга ислом қонунларининг юқори мақсад-ларига ва ҳар қандай ижтиҳодга ишора қилмасдан, бирон бир шахс ҳеч қандай қўллаб-қувватловчи ёки далил келтирмайдиган сўзларни ўз ичига олганлигини ҳисобга олсак, унинг ақли рад этилишини ўз ичига олади”. Шунинг учун *тақлид* – бу Худо томонидан бизга юкланган масъулиятдан ҳамда ўйлаш, тафаккур қилиш ва ўзимизни яхшилаш вазифасидан қочишидир, чунки “Исро” сурасида шундай дейилади: “Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил – ана ўшалар, масъулдирлар”. (17:36)

Ижтиҳод ва Тақлид: уларнинг мусулмонлар жамоасини шакллантиришда умумий ва турли роллари

Шуни таъкидлаш керакки, “*тақлид*”нинг ушбу тақиқни энг умумий (ноаниқ) сўзлар билан тузадиган уламолар ва имомларнинг аксарияти буни фақат ижтиҳод қилиш қобилиятига эга бўлган кишиларга боғлашади. Ҳар хил далил турларини матн ва ақл асосида ажратса оладиган, аммо “*мужтаҳидлар*” деб тан олинмайдиган кишиларга “*тақлид*” тақиқланган ёки тақиқланган эмасми деган фикрлар келади. Айни пайтда, таълимга эга бўлмаган ва хуқуқий масалаларни асосли тарзда мухокама қила олмаган ёки тирикчиликка пул топиш билан банд бўлган оддий одам зарурат туфайли “*тақлид*” билан шуғулланиш хуқуқига эга деган келишув мавжуд. “*Тақлид*” тарафдорлари келтирган далилларни синчковлик билан таҳлил қилиш, улар бу ерда исботламоқчи бўлган нарсаларга, мутлақо тескари бўлган хулосаларга олиб келади. Қуръонда ҳам, суннатда ҳам ўрганишга, савол беришга ва қаерга олиб бормаса далилларга амал қилишга чақириқлар топамиз. Қандай ҳолатда бўлмасин, бу чақириқлар “*тақлид*” тарафдорлари томонидан уларнинг асосий далиллари сифатида қаралади. “Наҳл” сурасида Худо айтади: “Биз сендан олдин ҳам фақат эр кишиларни юбориб, уларга ваҳий қилганмиз. Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларидан сўрангиз”. (16:43) Пайғамбаримиз саҳобаларининг устуворлигини ва уларга *тақлид* қилишни тасдиқловчи ҳадислар ушбу масала билан бевосита боғлиқdir. Пайғамбаримиз саҳобаларининг харакатларига *тақлид* қилиш Пайғамбаримизнинг тӯғри йўлга ҳидоят қилган солиҳ ҳалифалардан ўrnak олишларига жуда мос келади. Бироқ, бу билан Пайғамбаримиз бизни у ёки бу мусулмон олими томонидан белгиланган амалларга, шунингдек, у ёки бу “*мужтаҳид*”нинг қарашларига риоя қилишга буормади. Бундан ташкари, саҳобалар ўртасида вужудга келган ихтилофлар ижтиҳод жараёнининг жадал ривожланиши ва мусулмон рухининг ҳаётийлигидан далолат беради. Шунинг учун бундай келишмовчиликлар Аллоҳнинг мусулмонлар жамоасига кўрсатган раҳм-шафқати ва буйруқларини шархлашда бизга берилган ҳаракат эркинлигининг намоёнидир.

Айрим мусулмон ҳуқуқшунослар бу масалага алоҳида эътибор беришади. Улар орасида Юсуф Ал-Қардавий, ҳам бор, масалан, қонуний қарорларни қабул қилишда бир қатор муҳим педагогик тамойилларга асосланиб, ёндашувини ишлаб чиқкан, улардан бири “фатволар чиқариш ва уларга зарур тушунтиришлар билан аниқликлар илова қилиш” тамойилидир. Ибн Ҳазм ижтиҳоднинг мусулмон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига мукаммал таъриф беради: “Ҳар биримиз ижтиҳодда ўзимиз бажара оладиган даражада қатнашишга мажбурмиз, шунда биз Худо биздан нимани талаб қилаётганини билиб оламиз”.

Қиёслашда ва таққослаб кўришда Тақлид [Taqlīd] ва Содиқлик [Ittibā']

Ибн Фариснинг (395/1004-йилда вафот этган) фикрича, *t-b-* уч ҳарфли илдизи “бирор кимса орқасидан ёки нарсанинг изидан бормоқ” деган ўзгармас маънога эга. Ушбу илдиз Қуръон матнида бу маънода кўп марта, баъзида “Бақара” сурасидагидек мажозий маъносида ишлатилган. (2:38) Бошқа ҳолларда эса “Шўро” сурасидаги каби тўғри маъносида ишлатилади. (26:60) Шунингдек, “*ittabā'a'*” [*ittabā'a'*] феъли, Пайғамбаримиз (алайҳиссаломга) буюрилган “Аъроф” сурасидаги каби: “...Мен факат Роббимдан ваҳий қилинган нарсага эргашаман (*иннама аттаби'у* [*innamā attabi'u*]), холос...”. (7:203), “мажбурият қилиб бирор нарсага бўй-суниш” маъносини ифодалаши мумкин. Бошқа жойда “Назиат” сурасида (79:6-7) бу феъл “бир нарса бошқасига бирин-кетин эргашади” маъносида ишлатилади. “Қасос” сурасида “*атба'a'*” [*atba'a'*] феъли “бирор кишини ҳамроҳ қилиш ёки тинмай таъқиб қилиш” маъносида истифода қилинади. Фиръавн ва унинг зодагонлари ҳақида Худо: “Ва бу дунёда уларга лаънатни эргаштириб қўйдик... (*атба'nāhūm fihi hadhihi al-dunyā la'natan*)” деб эълон қиласди. (28:42)

Ҳадисларга кўра, Пайғамбар (саллалоҳу алайҳи вассаллам) ўтмишдошлар томонидан қўйилган йўлларга қулларча эргашганларга танбех бериб: “Дарҳақиқат, сиз сиздан олдин бўлганларнинг

урф-одатларига қарич кетидан қарич ва тирсак кетидан тирсак амал қиласиз (*ла таттаби'анна* [*la tattabi'anna*])”, деганлар. Бироқ, бу ерда “*иттиба*” ва “*тақлид*” [*ittibā'* ва *taqlīd*] ўртасидаги фарқни билиш лозим. “*Иттиба*” сўзи Қуръонга эргашишини англатиш учун ишлатилади, агар Қуръонга мурожаат қилишнинг иложи бўлмаса, суннат матнига амал қилиш зарур, агар жавоб суннатда топилмаса, улар ўртасида яқдил келишув асосида ўрнатилган, билишимизча, илк олимларимизнинг нуқтаи назарига қўшилиш лозим. Агар бу манбаларнинг ҳеч бири ҳал қилинаётган муаммо билан бевосита боғлиқ бўлмаса, “*иттиба*” кўрилаётган ҳолат билан Қуръондан тегишли матн ўртасидаги ўхшашликка риоя қилиш орқали амалга ошади. Бундай матн бўлмаган тақдирда, суннатдаги матн билан ўхшашлик келтирилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, ўхшатиш биринчи олимларимизнинг келишилган нуқтаи назаридан келтириб чиқарилади. Бироқ бундай қарашга амал қилиш учун, унинг ўзи Қуръон ёки суннат матнига чизилган ўхшатишга асосланиши керак.

Иbn Таймия “*тақлид*”ни маълум маънода ножӯя ва номақбул “*иттиба*” деб хисоблаган. Ҳозирги замон олими Taxa Abdurrahmon (Taha Abdurrahman 1944-йилда туғилган) фикрича, “*иттиба*” ва “*тақлид*” [*ittibā'* ва *taqlīd*] ўртасидаги ягона фарқ далилларнинг мавжудлиги ёки йўқлигидадир. Шуниси аниқки, бу ерда “*иттиба*” далил билан тасдиқланган нуқтаи назарга амал қилса, “*тақлид*” далил билан тасдиқланмаган нуқтаи назарга амал қилмоқда. Бироқ, тарихий жиҳатдан “*тақлид*” ва “*иттиба*” ўртасида жуда ишонарли терминологик ва ҳуқуқий фарқлар мавжуд бўлган. Биринчиси ноўрин ва асоссиз *тақлид* билан боғлиқ бўлиб, иккинчиси – бошқа шахснинг ўrnагига эргашиш ёки унинг асосли нуқтаи назарини қабул қилиш билан боғлиқ.

УЧИНЧИ БҮЛИМ

МУСУЛМОНЛАР ЖАМОАСИ: АРАБ-ИСЛОМ ТАФАККУРИДА
ХОКИМИЯТ ВА УНИВЕРСАЛЛИК АСОСИ

ОЛТИНЧИ БОБ

Мусулмонлар жамоаси (al-Ummah) янгиланиш ва ижтиҳод тартибга солувчи сифатида

“Умма” атамасининг маъносидан фойдаланишнинг турли усуллари

“Умма” [*ummah*] сўзи Қуръонда бешта асосий маънода ишлатилиди: 1) “Бақара” сурасида бўлгани каби – “жамоат” (2:128); 2) “Юсуф” сурасидаги каби – “бир давр ёки вақт” (12:45); 3) “диний раҳбар”, худди “Наҳл” сурасида бўлгани каби (16:120); 4) “Анъом” сурасида кўрсатилганидек, “тур” ёки “уроф”га ишора қиласиди (6:38); 5) “бир қатор ақидалар ва урф-одатлар” – “Зухруф” сурасидагидек. (43:22) “Умма” сўзи биринчи маънода, яъни жамоа, “бутун дунё бўйлаб миллатга эмас, балки умумий эътиқодлар, Ислом хуқуқи ва Ислом анъаналари, урф-одатлари, шунингдек, қадриятларига риоя қилиш билан бирлаштирилган халқлар, кланлар ва қабила-лардан ташкил топган тузилиш” деган. Бу жамоа ўзининг ғалаба ва мағлубиятлари, қувонч ва қайғулари, умид ва умидсизликлари билан умумий тарихга эга. Шунга кўра, кўплаб мусулмон халқлар ёки маҳаллий жамоалар бўлиши мумкинлигига қарамасдан, фақат битта мусулмон уммати ёки жаҳон ҳамжамияти мавжуддир.

Қуръон матни мусулмон умматини тавсифловчи бир қатор хусусиятларни ўз ичига олади. Улардан учтаси асосий ҳисобланади, баъзилар буларни “мўътадиллик”, “танланганлик” ва “азоб” ёки “синов” деб ҳисоблашади. Сиёсий давлатнинг [*dawlah*] шаклланиши каби тарихий воқеалар арабча “умма” сўзини таржима қилишда ишлатиладиган “миллат” атамасининг Европада қўлланилишига

таъсир кўрсатди. Ушбу атамани Ғарб цивилизациясида мустаҳкамлашга келсак, бу ҳамма ўз ичига олган черковнинг собиқ биноси харобалари устида миллий ўзига хосликлар барпо этилаётган бир пайтда юз берган. Шундай қилиб, Ғарб ёзувларида қўлланилган “умма” атамасининг маъно соҳаси деярли “*dawlah*” ёки давлат атамасининг маъно соҳасига тўғри келган.

Араб-мусулмон уммати тарихий жараён давомида шаклланган бўлиб, унда тили ва Ислом хабарининг тарқалиши энг муҳим роль ўйнаган, географик омиллар эса иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Мусулмон уммати ўз аъзоларининг хилма-хиллиги ва маданий турли-туманлигига қарамай, асрлар давомида омон қолган ва гуллаб-яшнаган. Унинг “холис ўлчови” – қайта туғилиш ва янгиланиш орқали ўтмиш меросини ўзлаштириш ва бирлаштириш учун мўлжалланган Исломий хабарнинг универсаллиги ва якунийлигидир.

Мусулмонлар жамоаси учун “розилик”нинг мазмуни ва аҳамияти

Олимлар билимларни ташувчилар ва олувчиларни ҳисобга олган ҳолда икки тоифага ажратадилар: “дунёвий билимлар” (*ilm 'amma* [*'ilm 'āmmah*]) ва “илмий билимлар” (ёки сара) (*ilm ha'ssса* [*'ilm khāṣṣah*]). Агар билим розилик шаклида қаралса, “дунёвий розилик” (ижма' амма [*ijmā' 'āmmah*]) ва “ўрганганд розилик” (ижма *haassса* [*ijmā' khāṣṣah*]) ўртасида фарқ қилинади. Имом Шофеъий фикрича, биринчи тоифа умумий билим бўлиб, улар ҳақида нотўғри хабарлар ёки тафсирлар йўқ ва улар баҳс мавзуси эмас. Келишув тузилганда, олимлар тушунтиришлар, маслаҳатлар ва низомнинг аниқ қўлланилиши орқали бутун мусулмон жамоасини жалб қилишлари, жамиятнинг ҳар бир аъзосини ушбу келишувни муҳокама қилиш ва амалга ошириш жараёнида иложи борича кўпроқ иштирок этишга ундашлари талаб этилади.

Ҳозирги кунимизда ҳамда парчаланиш, ижтимоий табақаланиш, тарафкашлик, қолоқлик, заифлик ва юқоридан пастга қарорлар қа-

бул қилиш даврида, ҳамжиҳатлик ва барча соҳаларда илоҳий бирликни тасдиқлашни акс эттирувчи кенг қамровли розилик учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб эҳтиёж мавжуд. “Розилик” (*иҷмо [ijmā']*) ва “маслаҳат” (*шӯро [shūrā]*) тамойиллари ҳамма мусулмонлар учун ҳамиша амал қилиб келган. Бу тамойиллар доирасини илмий жамоатчиликка чеклаб қўйишнинг ягона асосигина турли ижтимоий ва этник келиб чиқиши мусулмонлар сонининг ўсиб бориши ва уларнинг бир-бири билан мулоқоти ва жойдан-жойга кўчиши билан боғлиқ қийинчиликлар туфайли вужудга келадиган амалий зарурият бўлиши мумкин.

Исломни чуқур англашни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бу асрлар давомида мусулмон жамоаси томонидан келишиб олган ва унинг қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарининг негизига айланган тамойиллар, эътиқодлар ва фикрларга риоя қилишдир. Бундай воқеликлар одамларнинг кундалик ҳаётининг моҳияти ва улар беихтиёр энг қадрли деб билган нарсаларга тегишлича, мутлақо илмий ва зиддиятли розилиқдан устундир.

ЕТТИНЧИ БОБ

Инновациялар ва тараққиёт учун асос сифатида ишончли саноқ бошлари

“Маржайя” [*Marja'iyyah*] тушунчаси Ҳамда айнан ўхшашлик масаласи

Уч ҳарфли *r-j-* илдизи “қайтиш” маъносига эга. Ушбу илдиздан олинган бир сўз “Алақ” сурасида ишлатилади: “Албатта, қайтиб бориш Роббингадир (*инна ила раббика алружса' [inna ilā rabbika al-ruj'a]*)”. (96:8) Демак, “маржайя” [*marja'iyyah*] атамаси бирор нарса ёки кимгадир “қайтиб келадиган” деган маънони англатади, яъни, одамлар, масалан, зиддиятни ёки келишмовчиликни ҳал қи-

лиш учун ҳар томонлама, хамма нарсани қамраб оладиган та-мойилга мурожаат қилишади.

Бугунги кунда мусулмонлар жамоаси шундай бир ахволда эканки, у мусулмон цивилизацияси, ёки мусулмон маданияти чўққи-сига чиққанида чидаган турли-туманлик, тафовутлилик, ҳатто зиддиятларга ҳам эга бўла олмайди. Бу ўша даврдаги жамоанинг кучи, ҳамжиҳатлиги ва мустақиллигини белгилаб беради. Ҳозирги вазият аниқ белгиланган қадамлар қатори ва аниқ белгиланган мақсадлар асосида ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалаларни ҳал этишда янада мустаҳкамланишга чақиради. Бурхон Галиуннинг (Burhan Ghalioun) фикрига кўра, араб жамияти ўтаётган ахлоқий инқироз, ахлоқий тамойилларнинг шаклланишини уларнинг диний таъминотини бузмасдан ўзгартира олмаслиқда намоён бўлади.

Абдулҳамид Абу Сулаймон (Abdul Hamid AbuSulayman) ижти-моий ва диний омилларни мувозанатлаштириб туриш зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, унинг фикрига кўра, мусулмон жамоасининг бирлашуви учун асос яратадиган ва ҳаракатга кўрсатма бўлиб хизмат қиласиганларгина ишончли манбаларга айланиши мумкин. Натижада улар жамоанинг шахсий ва жамоавий аъзолари ўртасида юзага келадиган турли хил низоларни ҳал қилишда, шунингдек, турли йўналиш ва тафаккур мактабларининг барқарор бирлигини таъминлай олишади. Тирик қолишни ва ривожланишни умид қилаётган ҳар бир жамоага билим ва технологиялардан ташқари, ўзларини қўллаб-қувватлаш, илҳом бериш, тажрибала-рини тўплаш, ўзларининг реакцияларини ўзгартириш ва йўналти-риш, шунингдек, умумий қарашларини аниқлаштириш учун маъ-навий, рамзий ҳамда ахлоқий ишончли асосий тузилмалар керак.

Ҳокимиятнинг ҳар қандай ҳақиқий, ишончли манбаи қайтиб борадиган учта бош пойdevori бор, яъни: 1) ваҳий; 2) инсон ақли; 3) космос. Ушбу ваколатларни оладиган манбалар ҳақидаги савол кўпинча айнан ўҳшашлик билан боғлиқ. Мусулмон жамоати ёки умматининг ўзига хослиги, шунингдек, бошқа ҳар қандай жа-

моатнинг айнан ўхшашлиги иккита элемент томонидан шаклана-ди: 1) унинг шахсий аъзоларини бир-бирига боғлайдиган муносабатлар модели ва 2) ушбу модельни вужудга келтирган мафкуравий матрицадир.

Обрў ва “евро-американизм”

“Бошқалар”га нисбатан ўзларининг обрў манбаларини тушунишда бошиданоқ маълум услубий асослар қўйилиши керак. Агар Ғарб цивилизациясини тўлиқ инкор этиш ва уни тўлиқ қабул қилишни каби спектрнинг қарама-қарши учларини истисно этсак, ўзимиз ва Ғарб ҳақидаги зиддиятли қарашларни акс эттирувчи бошқа бир қатор ёндашувларни топамиз. Лекин бизга ахборот билан ишлаш учун методологик асос яратадиган ва унда нимани қабул қилиш ва нимани қабул қилмаслик кераклигини аниқлаш мумкин бўлган нуфузли асосий тузилмаларни яратадиган ёндашув керак.

Ғарбда бир неча ўн йиллар яшаган жазоирлик олим Мухаммад Аркун (1928-2010) Ислом ва Европа тафаккури ўртасида воситачи ролини олди. Бироқ, Аркун охир-оқибат Ғарбда Исломга нисбатан “ўзгармас ва нафратли” қарашга таъсир ўтказа олмади. Аслида у Ғарб одамларининг у ҳақдаги қарашларини мусулмон зиёлиси сифатида ўзгартиришга ҳам муваффак бўлмаган. Натижада у қўйидаги хulosага келди: “Ушбу қониқарсиз натижа бу ғояларни ўзгартириш имконсизлигини эмас, балки (ўзимизга бўлган муносабатимизни ўзгартирмасдан) Ғарбнинг бизга бўлган муносабати ўзгартиришини ўз ичига олган Араб ёки Ислом стратегиясининг хатоларини кўрсатиши мумкин, деб хулоса қилишдан бошқа иложимиз йўқ... Ўзимиз ўзгарганимиздагина бошқанинг биз тўғрисидаги фикри ўзгаради”.

САККИЗИНЧИ БОБ

Универсаллик: ўзгаришга йўналтирилган ҳаракатлар учун умумий майдон ва унинг қамрови

Универсаллик (умумийлик) тушунчаси

Шарқшунослар ва бошқалар қадимда ҳам, ҳозирги замонда ҳам Ислом ҳақиқатдан ҳам умуминсоний эмас ва турли халқлар ва маданиятларни ўзлаштиришга қодир эмаслигини таъкидлаганлар. Бу нуқтаи назар фойдасига асосий важлари куйидагича: 1) Куръон араб тилида ёзилган ва шунинг учун фақат араблар томонидан тушунилиши мумкин; 2) Куръон милодий VII асрда Арабистон ярим оролида яшовчи қабилалар учун муҳим бўлган муайян вазият ва ҳолатларга жавоб сифатида пайдо бўлган; 3) Башоратининг дастлабки кунларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) умум хабар олиб туришга даъво қилмадилар.

Ибн Ашур Пайғамбар замонида араблар бир халқда камдан-кам учрайдиган тўртта хусусияти билан бошқа халқлардан ажralиб турганлигини таъкидлаган: 1) ақлнинг ўткирлиги; 2) мукаммал хотира; 3) оддий цивилизацион ва ҳуқуқий нормалар; 4) дунёning бошқа халқларидан нисбий ажralиб қолиш. Айниқса, бу хусусиятлар арабларга Ислом хабарини олиш, тушуниш, сақлаш ва етказиш имконини берди. Шундай қилиб, Ислом пайғамбари ўз даъватида ва мисолида Нуҳ, Иброҳим, Мусо ва Исо пайғамбарлар (алайҳис-саломлар) қаторини давом эттирганлиги аниқ.

Биз сифинадиган моҳиятнинг ўзига хослиги тамойилига асосланган умумийликнинг монотеистик ўлчови мусулмон жамоасига бошқарув, ижтимоий тараккиёт ва ривожланиш, қонунчилик ва асосий мафкура масалалари билан боғлик умумий мақсад ва умумий йўналишни беради. Алалваний (Alalwani) сўзларига кўра, мусулмон жамияти аъзолари улар туғилган конструктив ролни ўйнаш учун илоҳий вахий хабарини берган янги нарсага содик қолиши ва

янгиланиши, шунингдек, ўзларининг вазифаларини амалга ошириши керак. Дунё мўътадиллик йўлида мустаҳкам ўрнашган ва маданиятлар мулоқотида фаол иштирок этадиган, ҳаммани қутлайдиган ва ўзига хос риториканинг барча турларини инкор этадиган ҳар томонлама қамраб оладиган менталитетга эга бўлган мусулмон жамоасига муҳтож. Дунё илоҳий китоб билан тўғри бошқариладиган бошқарув органлари бўлган ва ортиқча талаблар қўймайдиган, лекин заарли нарсаларни тақиқлайдиган, ҳамда қонунларга амал қиласидиган жамоага муҳтож.

Замонавий Араб-Ислом мулоҳазасида умумийлик ва ўзига хослик

Дунё олдида турган муаммоларни ҳал этишда умумийликни ўзига хослик ҳисобига таъкидлайдиганлар бор, бошқалари, аксинча, умумийлик ҳисобига содир бўлса ҳам, ўзига хосликни таъкидлайдилар. Иккала тенденция, бир томондан умумийлик билан, иккинчидан, ўзига хослик ўртасида бир-бирига мос келмаслиги, шунинг учун бири бошқасини истисно қилиши мумкинлиги ҳақидаги тахминларга асосланади. Бироқ, бу тахмин нотўғридир.

Дарҳақиқат, Ислом умумийлиги ўзининг асл очиқлиги ва чақириғи билан турли қарама-қаршиликлар қаршисида ўз тарихий таъсир доирасидаги жамоаларнинг миллий ўзлигини химоя қилиш қобилиятини исботлаган кенг қамровли фалсафани ўзида мужассамлаштиради. Галиуннинг (Burhan Ghalioun) сўзларига кўра, ўзликни тасдиқлаш истаги дунё тизимининг шаклланишига зид бўлмаслиги керак. Аксинча, бундай қидирув ушбу тартибнинг намоён бўлишидан биридир. Ўзига хосликни тан олишдан бош тортадиган ҳар қандай конуний умумий тизим бошқаларга нисбатан масъулиятини рад этадиган ва уларни ўз мақсадлари учун “хом ашё” деб ёки энг яххиси, бўйсунувчилар сифатида ҳисоблашни талаб қиласидандир.

Малек Беннабининг фикрича, ҳар қандай инсон жамоасининг тақдири унинг географик чегараларидан ташқарида нима содир бўли-

шига ҳам боғлиқ. Айниқса, биз яшаётган даврда маданият умумий доирада ривожланиб, белгиланиб бормоқда. Маълум бир маданият ўз ғоя ва қадриятларини чизган манбаларга у дуч келаётган саволлар, унга берилиб кетган иғвогарликлар ва у олиб бораётган ҳаракатлар фақат ўз тупроғида ўса олмаслиги табиий. Шу сабабли, мусулмон зиёлилари ўзларининг роли ва бутун дунёда ўз жамияти ва маданиятининг ролини тушуниш учун нарсаларга шунчаки инсоннинг энг кенг бурчагидан қарашга мажбурдирлар. Ал-Жобирийнинг фикрича, Исломнинг ўрни турли маданиятли турли халқлардан ўз тарафдорларини бирлаштирувчи ижтимоий уйғунлик намунаси бўлиб хизмат қилиши ва бу хилма-хил инсоний олонидан ўзлигини аниқ англаған жаҳон ҳамжамиятини (уммани) шакллантиришдан иборат. Замонавий араб ва ислом тафаккурида умматнинг жаҳон ҳамжамияти ва умумийлиги каби асосий концепциясининг тикланиши ислоҳот, янгиланиш ва ўзгариш усуллари ва истиқболлари сифат жиҳатидан ўзгарганидан далолат беради. Биз ё ҳаётимизга таъсир этувчи қарорларда иштирок этишни ўз зиммамизга олишимиз керак, ёки ҳокимият эгалари томонидан бизнинг номимиздан қабул қилинган қарорларни амалга оширишмиз зарур.

ТҮРТИНЧИ БҮЛИМ

ИСЛОҲОТ ВА ЖОНЛANIШ ҲАРАКАТЛАРИНИ АНГЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИҲОД ТАФАККУРИНИНГ АСОСЛАРИ ҲАМДА УЛARNинг МУВАФФАҚИYТСИЗЛИККА ОЛИБ КЕЛУВЧИ САБАЛЛАР

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Араб уйғониши, миллатчилик ва дунёвий мулоҳаза, шунингдек, сара фикрининг “замонавийлиги”

Маданият ва унинг ўзгаришга муносабати

Айтиш мумкинки, маданият инсонга туғма таъсир этувчи маънавий ва ижтимоий қадриятлар мажмуудир. Бурхан Галиуннинг фикрича, мавжуд билим ва ижодкорлик салоҳиятини ўз ўтмишининг ижобий тажрибаларига мос келадиган янги элементлар билан узлуксиз бойитиб турадиган маданиятнигина ривожланган деб аташ мумкин. Кейинчалик бу янги элементлар маданиятда мавжуд ахлоқий, интеллектуал ва диний алоқага мослаштирилади ва ўзлаштирилади.

Маданиятларни шакллантириш жараёнига нисбатан Беннаби маълум бир вақтда ва маълум бир жойда юзага келадиган маданият тури одамларнинг дунёга караш усули билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Галиуннинг қайд этишича, давлатлари йўқ қилинган, иқтисодий ҳаёт мустамлакачилик томонидан бузилган ёки уларнинг ҳолати ва эҳтиёжларга тўлиқ мос келмайдиган капиталистик тизим ўрнини босган айrim халқлар қаршилик воситаси сифатида маданиятга мурожаат қилиб, ўнлаб йиллар давомида бундай нозўравон қаршилик кўрсатишдан сўнг улар ўзларини янги давлатлар сифатида тиклашга муваффақ бўлишган. Бу шуни кўрсатадики, сиёсий ва иқтисодий тизимдаги туб ўзгаришлар ҳам ўз маданиятини, яъни ўзгача мағкуралари ва қадриятларини саклаб қолишига муваффақ бўлган халқларни, шунингдек, воқеликка бетакрор маънавий муносабатини эзолмади.

Миллатчилик тафаккур – қайтадан кўриб чиқиши ва тўғрилаб туриш йўлидаги оралиқ нуқталар

Миллатпарварлик ёндашувларини баҳолаш ва тўғрилаш учун биз уларнинг бошланишига, миллатпарварлик фикри дунёвий маънода ифодаланган пайтга қайтишимиз лозим. Усмонлилар даврининг охирида (XIX аср охири – XX аср бошлари) христиан ва мусулмон озчиликлари диний асосда эмас, балки дунёвий жиҳатдан бўлиб ўтган турклашувга қарши ўзларини ҳимоя қилишлари керак эди. Европада ва ундан ташқарида дунё социализмининг тарқалиши билан араб миллатчилиги араб дунёсидаги муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида социализмни қабул қилди. Бироқ араб миллатчилик ҳаракати араб жамоасини бирлаштириш ва араб-мусулмон жамияти ресурсларини сафарбар этиш мақсадига эриша олмади.

Миллатчилик ҳаракатлари сиёсий ҳокимииятга келган ҳолларда бу ҳокимииятни сақлаб қолиши, одатда, уларнинг ягона ташвишига айланади. Натижада бундай миллатчилик ҳаракатлари маҳаллий ҳокимият даражасида турғунлашади, шунчаки жорий мақомга мослашиш васвасаси билан олиб борилади. Шундай қилиб, миллатчилик ҳаракатлари ижодий, инновацион руҳини йўқотмоқда ва ҳақиқий бирликка эришиш учун ғайрати ҳам йўқолмоқда. Ислом бизга озчиликларни ўзлаштириш ва интеграциялашнинг тарихий моделини берди.

Пайгамбар (саллалоҳу алайҳи ва саллам) баъзи эргашувчиларининг ҳабаистонлик Билол ибн Рабоҳ, византиялик Суҳайб ар-Румий, Салмон Ал-Форисий (форсий Салмон) каби сахобаларни мусулмонлар жамоаси аъзолари деб тан олишдан бош тортганини эшитгач, у одамларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилдилар: “Арабчилик сиз отангиздан ёки онангиздан мерос қилиб олган нарса эмас. Аксинча, бу сиз гапирадиган тил асосида пайдо бўладиган нарсадир. Араб тилини биладиган киши арабдир”. Шундан сўнг маданиятга, фикрлаш тарзига, уларнинг иштироки ва мажбуриятидан хабардорликка “араблашган” барча кишиларнинг қўшилиши туфайли араб умматининг доираси кенгая бошлади.

Доимий дудмол риторика

Замонавий араб тафаккурига нисбатан “дунёвийлик” билан насрорний тафаккурига нисбатан Учбирлик доктринаси ўртасида маълум ўхшашлик бор деган фикрини эшитиш одатий ҳолдир. Иккала ҳолатда ҳам биз ноаниқлик, чалкашлик ва ягона, аниқ мавқега кела олмаслик билан дуч келамиз. Бошқа Европа тилларида ўхшашликка эга бўлган инглизча “secularism” сўзи лотинча “saeculum”дан келиб чиқсан бўлиб, “аср”, “давр”, “авлод” ёки “юз йил” деган маънени билдиради. Французча “лаицизм” (*läicisme*) атамаси давлат ишлари соҳасида ҳам, ҳатто хусусий ҳаёт соҳасида ҳам динга ёки охиратга ҳеч қандай аҳамият бермаган харакат ёки фалсафага мурожаат қилиш учун ишлатилади. “Дунёвий” (secular) атамасига келсак, у биринчи марта 1648-йилда Вестфалия тинчлигининг хуносасида ишлатилган бўлиб, кўпчилик тарихчилар томонидан Фарбда биринчи дунёвий ҳодиса сифатида қаралади.

Фарб дунёсида секуляризация тарихий ривожланишнинг табиий натижаси эди ва динга қарши норозиликнинг ҳаддан ташқари дарражаси динни талқин қилиш йўлларида монополияни сақлаб қолишини талаб қилган черковнинг ўзи томонидан берилган жавобнинг ҳаддан ташқари томонлари билан таққосланди. Араб-ислом жамиятига сезиларли таъсир қўрсатишнинг учта асосий манбай мавжуд: мустамлакачилик; Араб ёшлари таълим учун Фарбга юборилган таълим миссиялари; ва араб-ислом мамлакатларида христиан таълим муассасаларини ташкил этиш. Лекин Шарқнинг ўзида ҳам ҳамма жойда Фарб тараққиёти билан баравар қадам ташлаш истаги бор эди.

Араб дунёсида дунёвийлик ўзини динга қарши антипатия билан материалистик, атеистик оқим сифатида намоён қилди. Бундан ташқари, дунёвийлик билан боғлиқ барча қийинчиликларга қарамай, сиёсатчилар ва зиёлилар орасида мусулмон дунёсининг турли бурчакларида секуляризация тажрибасини такрорлашга чақириқлар ҳам мавжуд. Бу эса мусулмон жамоасининг диний ва тарихий воқелигига эътиборсизлик қўрсатади. Ҳақиқатда эса ду-

нёвий қарапшлар чуқур инқирозга юз тутмоқда, бу хорижий семантик мухиттада пайдо бўлган тушунчанинг оммавий ва танқидсиз қабул қилиниши натижасидир. Бундай қабул қилиш кўпинча ушбу тушунчанинг Ғарбда, ўз она тупроғида қандай ишлашини аниқ тушунмасдан, уни Шарқ тупроғига кўчиришда унинг маданиятининг диний, тарихий ва ижтимоий хусусиятлари ҳисобга олинмай қолган. Жамиятнинг асоси бўлган қонунчиликка таянадиган динни қабул қилиш ва уни ижтимоий ва сиёсий ҳаётдан ажратиш – аслида бу диндан воз кечишидир. Ҳаётнинг у ёки бу соҳасидаги таълимотини бекор қилишга қаратилган ҳар қандай уриниш унинг қисмларга бўлинниб ёки парчаланиб бўлмайдиган мустаҳкамлигига дуч келади.

ЎНИНЧИ БОБ

Ислом ислоҳоти: ҳаракат моделлари ва ислоҳот дастурлари

Ижтимоий ва маданий таназзулнинг тарихий омиллари

Дунё мусулмонлари ҳамжамиятининг заиф томонларини ва унинг пасайиш сабабларини кўриб чиқадиган асарлар мухим аҳамиятга эга. Бироқ, уларнинг сони жуда оз ва улар teng сифатли эмас. Ислом ислоҳотининг вазифасини белгилашда мухим роль ўйнаган бир қанча олимлар мавжуд. Имом ал-Ғазолий (Хижрий V аср/ Милодий XI аср) ўзининг [*Iḥyā' 'Ulīm al-Dīn*] (“Диний илмларни тирилтириши”) китобида Солиҳ Ҳалифалик даври тугаганидан кейин содир бўлган воқеаларни батафсил ёритган. Ал-Ғазолий Исломдаги интеллектуал соҳага таъсир қилувчи инқирозни юмшатиш билан шуғулланган. Бу соҳада биз Пайғамбаримиз сахобалари, уларнинг издошлари ва издошларининг эргашувчилари эгаллаб турган мавқеидан бир неча даражада четланишларни қайд этишимиз мумкин. Улар диний матнларни таҳлил қилиб, улардан асосли хуносаси

лар чиқаришган, очик фикрлар ва далиллар олишган, мухолифлар билан унумли баҳслашган ва ҳоказо. Мусулмонлар жамоатининг жоҳиллиги, золимлиги ва мутаассиблигига қарамай, ал-Ғазолий ва унинг издошларини илҳомлантирган ислоҳотчи рух Ислом тарихи давомида доимий равишда янгиланиб турди. Ушбу рух на-моён бўлган энг кўзга кўринган арбоблардан бири Жамолиддин ал-Афғоний эди. Пасайиш ҳаракатга таъсир кўрсатган сабабларни қуидагича умумлаштириш мумкин: 1) Оғишларнинг илдизи ўз қоидалар, қонунлар, тамойиллар ва ахлоқий қадриятлар билан (мусулмон) динидан узоқлашиш жараёнида ётади; 2) Мусулмонлар жамоасидаги маънавий бирликнинг йўқолиши мусулмонлар турли тариқат ва тафаккур мактабларига (мазҳабларга) бўлинганда юз берган; 3) Халифалик ва сиёсий ҳокимиият тизими сиёсий ва илмий соҳаларнинг ажралиб кетиши, шунингдек, зулм, адолатсизлик, шахсий манфаатларни жамоа манфаатига афзал қўриш ва мусулмон жамоасининг иқтисодиёти ва инфраструктурасини барбод қилган чет эл босқинлари билан бузилди.

Ислоҳотчилар ҳаракатини Жамолиддин ал-Афғоний ва Муҳаммад Абду бошқарган, кейинчалик бу ташабbus Ҳасан ал-Банно (1906-1949) томонидан асос солинган “Мусулмон биродарлар” диний-сиёсий ташкилотига ўтди. Миср олими Муҳаммад ал-Ғазолий (1917-1996) мусулмон жамоасининг ижтимоий ва маданий таназзулининг асосий сабабларидан бири сифатида бошқаларнинг бехабарлиги деб ҳисоблаган. Мусулмонлар ўз дунёсини янада аниқроқ англашлари ва жамият сифатида ривожланиш талабларига жавоб беришлари учун уларни ривожланиш жараёнининг катализатори бўлиб, хизмат қиласидиган “ташқи” ва “ички” фаолият билан шуғулланишга чақирди. Таҳа Жабир ал-Алвоний (Taha Jabir Alalwani) вазифанинг бузилиши (дисфункция) ва мувозанатнинг йўқлиги (дисбаланс) соҳаларини аниқлаш орқали Ислом ислоҳоти муаммосини ҳал қилишга киришди.

Халқаро ислом тафаккури институти (The International Institute of Islamic Thought – ИИТ) Исломда тараққиёт тарафдори бўлган мусулмон мутафаккирларининг бир қаторларига сўз берадиган саноқли

муассасалардан биридир. Улар ўз асарларида қўйидаги мақсадларни кўзлайдилар: мусулмонлар жамоаси олдида турган энг долзарб муаммоларни аниклаш; ижодий ёндашувни қўллаш орқали Ислом меросини жонлантириш; бошқаларга маърифат тарқатиш ва бу мақсадга эришиш усувларини тушунтириш орқали белгиланган менталитетга таъсир қилиш.

Ижтиҳод ва янгиланиш

Ислоҳотчи ҳаракатлар ҳақидаги тадқиқотларнинг аксарияти ушбу ҳаракатларни фақат тарихий нуқтаи назардан кўриб чиқади. Амалга оширилаётган ислоҳот саъӣ-ҳаракатларида уларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, биз ислоҳот борасида кўпроқ излашишларга муҳтожмиз. Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад Абдува Рашид Ризо томонидан бошланган замонавий салафий ислоҳот ҳаракати ўзидан олдинги ҳаракатларга асосланади ва кейинги барча ҳаракатларда ўз изларини қолдиради.

Ал-Афғоний инқилоб шакли сифатида оммавий ҳаракатларга алоҳида эътибор берди ва қонуний конституциявий бошқарувда, парламент кенгашларини ислоҳ қилишда, шунингдек, маслаҳат ва сайлов жараёнига асосланган тизимни тузишда иштирок этишга чақириди. Муҳаммад Абду учун, аксинча, оммавий ҳаракат ижтимоий ва сиёсий ўзгариш жараёни кам аҳамиятга эга эди. Абду “омма”ни ва “кенг жамоа”ни “ақлсиз машиналар” билан таққослаб, уларга ишонмаган. Бинобарин унинг саъӣ-ҳаракатлари *Дар ал-Улум* [*Dār al-'Ulūm*] каби янги таълим муассасаларини яратишига, ҳамда ал-Азҳар университети, Диний вакъфлар вазирлиги ва Исломий диний маҳкамалар сингари мавжуд муассасаларини ислоҳ қилишга қаратилган.

Абдунинг ислоҳотлари одамларга ўз мамлакати аҳамиятини англаб, миллий ғурур ва ўз ватани тақдирига дахлдорликни ҳис этиш, шунингдек, ягона жамоа рухини ўстириш ва миллий иқтисодиётни такомиллаштиришга ёрдам беришга қаратилган. Иймон соҳасида Абду одамларни тақдир тўғрисидаги таълимотдан озод қилишга

ва уларнинг эътиборини ваҳий билан ёнма-ён ҳаракат қилишга чақиравчи ақл неъматига қаратишга интилди. Абду берилганлик, мазҳабпарастлик ва кўр-кўронга *тақлид* билан курашишга жазм этди, у ижтимоий тараққиёт, институционал ислоҳотлар ва ўтмиш олимлари меросини қайта тиклаш манфаати учун “ижтиход эшикларини” қайта очишга чакирди.

Ал-Афгоний ва Абду томонидан бошланган салафийлар ислоҳоти ҳаракати мусулмон мутафаккирларининг мусулмон жамоасининг ички муаммоларига, шунингдек, мустамлакачиликка қарши курашда жамоа дуч келган ташқи муаммоларга мурожаат қилишига кучли туртки берди. Салафий мактаби аслида Ислом қадриятлари ва тушунчаларини ҳозирги замон эҳтиёжлари асосида қайта кўриб чиқиш масаласини кўтаришга муваффақ бўлди. Шу тарзда, бу қадриятлар ва тушунчалар янги долзарбликка эга бўлди. Бироқ, Farb ёки замонавий тушунчаларни қайта кўриб чиқиш учун хеч нарса қилинмади ва охир-оқибат зарур ўзгаришларга олиб келмади.

Муваффакиятсиз тажрибаларни баҳолаш

Бу тажрибаларни ўрганиш орқали биз уларнинг кучли томонларини аниқлаб, концепция, қабул қилинган ҳаракатлар ва амалга ошириш йўллари даражасида ҳам уларнинг заиф томонларини тузатишга ҳаракат қилишимиз мумкин. Яхши ёки ёмон томонга ўзгаришлар шахслар томонидан эмас, балки “одамлар”гина, яъни жамоа томонидан амалга оширилса, ўшандা содир бўлади. Шундай қилиб, агар жамият таълим-тарбия орқали фикрлаш тарзида ижобий ўзгаришларни амалга оширса, унда ҳаётнинг бошқа соҳаларидага ҳам самарали ўзгаришлар бўлади. Ислоҳотлар учун мустаҳкам диний асосга эга бўлиш учун бизга Куръон ва суннатга асосланган Ислом ҳукуки ва таълимоти масалалари ҳакида аниқ тушунча керак. Замонавий талқинлар бизнинг замонамизнинг муаммоларини ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшиши учун улар табиий ва ижтимоий фанлардаги сўнгги ўзгаришларга ҳамда замонавий технологик ютуқларга мос келиши лозим.

Бироқ, “атомизм” ва “элитизм”нинг фикр ва ҳаракат соҳаси учун ҳалокатли оқибатлари мавжуд. “Атомизм” деганда мен Ислом таълимотини мақсадларга эришиш ва жамиятнинг муайян гурухи ёки табақаси манфаатларини бошқалар ҳисобига ҳимоя қилиш воситаси сифатида қарашга мойилликни назарда тутяпман. “Элитизм”га келадиган бўлсак, бу шуни англатадики, агар ғоя ишончни илҳомлантирса ва ғайратни яратса, шунингдек, самимий истак ва ишлашга ҳамда у учун қурбон қилишга тайёр бўлса, ўшандагина ғоя муваффақиятли бўлади. Икки шарт бажарилмас экан, ҳеч бир жамоа ҳар қандай ақлий ёки мафкуравий оқимни чин кўнгил билан қўллаб-кувватламайди. Биринчидан, ушбу жамоа аъзолари оқимнинг мақсад ва вазифаларини тушунишлари керак, иккинчидан, бу оқим улар ҳақиқатан ҳам дуч келадиган муаммоларга ечимлар топишини билишлари зарур. Жамоа ислоҳотлар жараёнида у ёки бу тарзда тўлиқ иштирок этиши лозим ва аксарият Ислом қонунчилигига жамоа манфаатлари ҳисобга олинади.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Замонавий Ислом тафаккури: ягона занжирнинг синган ҳалқаларини тиклаш

Кўплаб Исломий ислоҳотлар ҳаракатларининг муваффақиятсизлиги кенг микёсда аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган чуқур илдиз отган камчиликларнинг мавжудлигига ишора қилмоқда. Бу нуқсонларга сабаб бўлган тушунчаларнинг инновацион, ислоҳотчи талқинлари ва қайта кўриб чиқишини илгари суришдан ташқари, замонавий Ислом тафаккури занжиридаги уч асосий ҳалқага, яъни, фикр ва ҳаракат учун диний асослар, мўътадиллик ва амалий қўлланишига ҳам эътибор бериш лозим.

Фикр ва ҳаракат учун диний асос яратиш

Уч ҳарфли '*-q-d*' илдизидан келиб чиққан, эътиқод рамзини белгилаш учун ишлатилган, арабча “*ақида*” [*'aqīdah*] сўзи “боғламоқ” ёки “тӯқмоқ” маъносига эга. Биз қалбларимизни ёки интилишларимизни маълум бир ҳақиқат ёки идеалга “боғлаб” ёки “тӯғрилаб” қўйганимизда, бу ҳақиқат ёки идеал бизни бошқарадиган кучнинг манбаига айланади. Бирлашиш ва озод қилиш, боғлаш ва ечиш нуқтаи назаридан буни айтиш мумкинки, Исломдаги ишонч заифлашиб, поклигини йўқотгач, худди тугунлари очилган бўлса, арқон энди елканни ушлаб туролмаслигидек, эътиқодлар мусулмонлар жамоасини бир-бирига боғлаб туриш қобилиятини йўқота бошлади. Агар мусулмонлар жамоасининг ўз таълимотларини тушуниши бузилган, номувофиқ ёки тўлиқсиз бўлса, бу уларнинг бутун цивилизацияси ҳолатига таъсир кўрсатиши мукаррар.

Ислом таълимоти ҳар бир мусулмоннинг қалбida ҳар хил даражада жаранглайди. Улардан бирига тушунча, бошқасига – бу таълимотнинг ҳақиқатига ишониш, учинчисига эса – фикрлар ва ҳаракатлар учун, шу жумладан, унинг тадқиқотлари ва улар олиб келадиган натижалар учун нуфузли қўлланма деб ҳисоблаш қарори мос келади. Ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари қадриятлари билан боғлиқ бўлган Ислом таълимотларининг концептуал доирасидан сиёсий соҳани ажратиб бўлгач, кўплаб мусулмонлар бу зулмни қонунийлаштириш учун қилинган деб ўйлай бошладилар. “Адолатли золим” ва “чексиз ўта тартибсизликдан кўра шафқатсиз золим яхшироқ” каби иборалар пайдо бўлди.

Ал-Нажжор Ислом таълимоти билан ҳуқуқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш учун замонавий мусулмон мутафаккирлари томонидан амалга оширилиши керак бўлган кетма-кет икки қадамни таклиф қилди. Биринчиси, Ислом ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган барча мухим масалаларни назарий жиҳатдан ўрганиш. Иккинчиси, чиқарилган ҳар бир ҳуқуқий қарорнинг мустаҳкам назарий асосини таъминлаш, токи у Ислом ҳуқуқининг ўзига хос талабларига ҳам, бу талабларни шакллантирган умумий тамойилларга ҳам жавоб берсин.

Центристлар йўналганлиги

Арабча w-s-t илдизи бирор нарсанинг маркази, бирор нарса ўртада ёки икки чегара ўртасида жойлашган деган маънони англатади. Шунинг учун у адолат ва одиллик билан боғлиқ. Аллоҳ Таоло “Бақара” сурасида “... ўрта миллат қилдик...” деб, мусулмонлар жамоасини ўрта уммат сифатида белгилайди. (2:143) “Центризм” ёки “мўътадиллик” кенг камраб олувчи Исломнинг ўзига хос хусусияти ва барча исломий ҳуқуқшунослигининг асосини ташкил этувчи ҳарёқлама раҳбарлик тамойилидир. Центризм тушунчаси фикр ва қилиқларни, тасаввур ва ҳаракатни бошқаради. Исломнинг ана шу хусусияти унинг бундай буюк цивилизацияга асос бўлишига имкон берди. Бироқ, бу цивилизация Куръонда айтиб ўтилган “ўрта йўли”дан ўта ортиқлиги ёки етишмовчилик йўналишида кетиши туфайли мувозанат бузилганлиги сабабли таназзулга юз тутди. Мўътадиллик тамойили мусулмонларнинг рух ва вужуд уйғулигига, шунингдек, диний қадриятлар билан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий хаёт талаблари ўртасида зиддият бўлмаган тарзда яшашлари лозимлигини англатади.

Қандай қилиб биринчи мусулмонлар томонидан қабул қилинган ёндашувга қайтиш мумкин? Ислом таълимотини унинг соддалиги, аниқлиги ва соғлигига қайта кўриб чиқишига; маънавий ривожланиш ва юракни тозалаш амалиёти сифатида ибодат қилишига; қадриятларнинг кучли мураккаб тизими сифатида ахлоқقا; кенг истиқболга эга бўлган мослашувчан тузилма сифатида Ислом қонунига; изчил умумбашарий қонунлар билан бошқариладиган ҳаётга; олиjanоб, Худо олдида ахлоқий жавобгар бўлган ва ақл билан таъминланган инсонга қайтиш керак. Ал-Қардавий анъана-вийлик ва замонавийлик ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам натижасиз ўтмиш савдои бўлиш ҳамда келажакка ҳаддан ташқари иштиёқдан огоҳлантиради. Унинг таъкидлашича, Ислом бу иккала ҳаддан ташқари ҳолатга тушмасдан, ўрта мавқени эгаллайди.

Амалий ёндашув ва асосли қўллашда ҳуқуқшунослик

Турли хил вакт, жой ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда матнни ҳақиқий ҳаётий вазиятларга тўғри қўллашни тушуниш муҳимдир. Диний матнларни ҳақиқий ҳаётий вазиятларга татбиқ этиш мақсадида талқин қилиш зарурати турли хил шарҳлаб берувчи усулларни, шу жумладан, “истиҳсан” [*istihsān*] афзал ечимини ишлаб чиқишига олиб келди. “Истиҳсан” билан “мустакил фойдали ҳаракатлар” [*maṣāliḥ mursalah*], инсон манфаатларига риоя қилиш, Ислом қонунларининг умумий мақсадларининг “қиас” [*qiyās*] натижаларидан устунлиги ва мустакил қизиқишига асосланган ҳукм “истислаҳ” [*istiṣlāḥ*] боғлиқ бўлади. “Истислаҳ” бирон бир қонуний Исломий матнларнинг ҳеч бирида аниқ айтилмаган ва ҳеч қандай келишувга эга бўлмаган ҳолатда қонуний карор чиқариш орқали муайян инсон эҳтиёжларини қондиришни назарда тутади. Аммо, афсуски, айнан мана шу усуллар мусулмон ҳуқуқшунослари ўртасида баҳс-мунозара мавзусига айланди ва уларни тан олган ҳуқуқшунос олимлар ушбу усуллар асосида тизимли амалий герменевтиканни (яъни шарҳлаш санъати) яратмадилар.

Ал-Нажжорнинг “тушуниш усули” учта элементни ўз ичига олади: 1) тадқиқот, 2) мавҳумлаштириш ва 3) интеграция. (яъни яхлит ҳолга келтириш) Ал-Нажжор нуқтаи назаридан матнларни англаш жараёни, бири иккинчиси орқали тушунилганда, мажмуудаги Ислом ҳуқуқий ҳукмларини тушунишdir. Ал-Нажжор матнни тушунишнинг тўртта асосий ёндашувни белгилайди: 1) тилшунослик, 2) атайлаб қилинган (яъни, матн мўлжалланган мақсадларга тегишили), 3) тўлдирувчи (яъни, бошқа матнлар билан ўзаро тўлдирувчилик алоқасини ҳисобга олган ҳолда) ва 4) оқилона.

Ал-Нажжорнинг таъкидлашича, ҳуқуқий қоидаларни аниқ мақсадли қўллаш маълум бир методологияга амал қилишни талаб қилади. Унинг сўзларига кўра, бундай методологиянинг энг муҳим таомойили бу таснифлаш ёки табақаланишdir. Воқелик ҳам шахсларга, ҳам бутун жамоаларга тааллуқли кўплаб ҳолатлар, фактлар ҳамда ходисалардан иборат бўлиб, бу кўплик географик маконда

ва тарихий замонда турли хил шароитларда жойлашган. Шунинг учун ҳам бундай шахсий фарқларни ҳисобга олмаган ҳолда барча вазиятларда муайян қарорни бир хил қўллаш жиiddий асоратларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, бу нафақат белгиланган мақсаднинг муваффақиятсизлигига, балки бутунлай тескари нарсага олиб келиши мумкин. Ҳақиқий ҳаётий вазиятда Ислом ҳуқуқий қарорларни қўллаш учун тўғри ёндашув амалийликни ва мўътадилликни, шунингдек, фикр ва ҳаракат учун мустаҳкам диний асосни талаб қиласди. Ушбу элементларнинг барчаси ҳаётий зарур аҳамият касб этади, чунки уларнинг ҳеч бири якка ўзи Ислом ҳуқуқий қарорларини тўғри қўллашни таъминлай олмайди. Лекин, уларнинг барчаси мавжуд бўлгач ва уларнинг барчаси тандемда ишлагач, биз замонавий Ислом тафаккурини ташкил этадиган занжирдаги бўғинларини тиклаймиз.

Муаллиф ҳақида

Сайд Шаббар Марокаш – Бени-Меллал шахридаги Кади Айяд университетининг (Cadi Ayyad University) Санъат ва гуманитар факультетида профессор бўлиб ишлаган ва Ислом тафаккури, динларо ва маданиятларо мулокотлар билан шуғулланадиган тадқиқот бўлимини бошқарган. Бундан ташқари, у цивилизацияларни ўрганиш илмий маркази ва Терминология бўйича тадқиқот гурухининг раҳбари бўлган. Таклиф этилган профессор сифатида Марокаш бошқа Араб мамлакатларидаги университетларда ҳам дарс берган. Бир қатор академик ва маданий жамиятларнинг аъзоси сифатида у миллий ва халқаро миқёсдаги кўплаб семинарлар ва конференцияларни ўtkазишда фаол иштирок этган. Унинг нашрлари марокаш ва халқаро илмий журналларда, ҳамда даврий нашрларда бор.

Саид Шаббар ўзининг «Ижтиҳод ва янгиланиш» китобида ижтиҳоднинг замонавий мусулмон дунёсини ижобий жонлантириш ёки ислоҳ қилишдаги асосий ролини таҳлил қилишга уринади. Исломнинг дастлабки асрларида олимлар Куръон ва Суннатга асосланган ўз акл-заковати ва мустакил мулоҳазаларига таяндилар, бироқ бир неча асрлардан сўнг уламолар умумий тамойилларни ишлаб чиқсанларидан сўнг ижтиҳод эшиклари ёпилди. Зиёлилар, ислоҳотчилар, илоҳиётчилар, либераллар, социалистлар, ҳатто секуляристлар ҳам ўз қарашлари орқали таназзулга қарши ҳаракатни тўхтатишига уриндилар, аммо бу уринишлар муваффақиятсиз тугади. Бугунги кунда мусулмонлар жамоасининг холати турли хил ва ҳатто ўзаро фарқли позицияларнинг барча хилма-хиллигини ҳисобга олишга имкон бермайди. Мусулмон цивилизацияси ва маданиятининг равнақ топиш даврида барча зиддиятлар ҳал этилган эди, бу эса Исломнинг куч-кудрати, бирлиги ва мустақиллигининг мустаҳкамланишига олиб келди. Бугунги қунимиздаги вазият энг долзарб масалаларга умумий эътиборимизни қаратишни талаб этади ва улар пухта белгиланган вазифа доирасида босқичма-босқич ҳал этилиши зарур.

Саид Шаббар Марокаш Бени-Меллал шаҳридаги Кади Айяд университетининг (Cadi Ayyad University) Санъат ва гуманитар факультетида профессор бўлиб ишлаган ва Ислом тафаккури, динлараро ва маданиятлараро мулоқотлар билан шуғулланадиган тадқиқот бўлнимини бошқарган. Бундан ташқари, у Цивилизацияларни ўрганиш илмий маркази ва Терминология бўйича тадқиқот гурӯҳининг раҳбари бўлган. Таклиф этилган профессор сифатида Марокаш бошқа Араб мамлакатларидаги университетларда ҳам дарс берган. Бир қатор академик ва маданий жамиятларнинг аъзоси сифатида у миллий ва ҳалқаро миқёсдаги кўплаб семинарлар ва конференцияларни ўтказишда фаол иштирок этган. Унинг нашрлари марокаш ва ҳалқаро илмий журналларда, ҳамда даврий нашрларда бор.